O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Da'vat

Saylov — har qaysi fuqaro uchun nafaqat o'z xohish-irodasini ifoda etib, munosib nomzodni tanlash imkoniyati, balki bu — avvalo kurash demakdir.

Islom KARIMOV

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 4-dekabr, shanba № 98 (7707)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

2 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маъруза қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларни ҳуқуқий асослаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича катта иш қилганини таъкидлади. Тарихга айланаётган бир палатали парламент Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва қудратини Мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Президент Ислом Каримов депутатлар халқнинг юксак ишончини оқлаганини қайд этди ва беш йил давомида амалга оширилган ишлар учун уларга миннатдорлик билдирди.

(Давоми 3-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Аввалambор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якунловчи сессиясида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан хурсандман.

Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофани ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.

Аввало, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва таҳликали замонда эл-юртимизнинг хизматида бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча оғир синов ва тўфонлардан омон сақлашга муяссар бўлганимиз, иш фаолиятимизни ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилига бола-чақамиз билан соғ-саломат қадам қўяётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айтишимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Парламентимизнинг, сиз, азиз депутатларнинг ўтган давр мобайнида, аввало қонунчилик соҳасида олиб борган фаолиятингиз нафақат бугунги кунимизнинг муаммоларини ҳал этиш, балки, лўнда қилиб айтганда, келажагимизнинг пойдеворини, эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг тамал тошини қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган беш йил тарих мезонлари бўйича, албатта, жуда қисқа фурсат, аммо бу давр бизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, Ватанимизнинг юксалиб боришида алоҳида ўрин тутганини катта мамнуният билан қайд этамиз.

Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистонимизнинг:

— сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий давлатчилигимизни қуриш;

— халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш;

— юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш;

— асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас ислом динимиз арконларини, миллий удум ва анъаналарни тиклаш;

— демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш;

— кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.

Сизларга тақдим этилган ҳисоботда ва ҳозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маърузасида, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ортиқ қарорлар қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва беқиёс имкониятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши,

(Давоми 2-бетда)

УСТОЗ — КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

У нафақат маънавий, балки жисмонан ҳам етук шахсдир

8—9-бетларга қаранг

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ОВОЗЛАР ҚУТИЧАДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ
5-бет

ЎҚИТУВЧИ ҚАЛБИМГА ЯҚИН ОБРАЗ
7-бет

БОЛАЛАР ИСТЕЪДОДИ
мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўла юзага чиқади
11-бет

Bugun barchamiz 26 dekabr kuni mamlakatimiz tarixida birinchi bor ikki palatali parlamentga va mahalliy kengashlarga bo‘lib o‘tadigan saylovlar nafasi va kayfiyati bilan yashamoqdamiz.

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining o‘n ikki yilligi munosabati bilan amnistiya to‘g‘risida”gi Farmoni matbuotda e’lon qilindi.

INTELLEKTUAL MUSOBAQA

Toshkent axborot texnologiyalari universitetida oliy o‘quv yurtlari o‘rtasida kompyuterda dasturlash bo‘yicha jahon chempionati - Association for Computing Machineryning Shimoliy-sharqiy Yevropa mintaqasi yarim final musobaqalari bo‘lib o‘tdi. Unda birinchi o‘rin Toshkent axborot texnologiyalari universitetiga, ikkinchi va uchinchi o‘rinlar esa qozog‘istonlik talabalarga nasib etdi.

ANJUMAN

Respublika «Mahalla» xayriya jamg‘armasida yoshlarni milliy istiqlol g‘oyasi ruhida tarbiyalash hamda ularning siyosiy faolligini yanada oshirishga bag‘ishlangan respublika ilmiy-amaliy anjumani bo‘lib o‘tdi. Anjumanda milliy istiqlol g‘oyasini yoshlar ongiga singdirishda sodda va ta’sirchan o‘qitish usullarini qo‘llash, bu borada ta’lim maskanlarining jamoat tashkilotlari hamda ilmiy-tadqiqot institutlari bilan samarali hamkorligini ta’minlashga oid amaliy chora-tadbirlar belgilandi.

TUHFA

BMTning Bolalar jamg‘armasi - YUNISEFning O‘zbekistondagi vakolatxonasi poytaxtimizdagi «Panoh shu’lasi» ko‘zi ojiz va zaif ko‘radigan bolalar markaziga Brayl alifbosida ishlaydigan kompyuter, printer va skanerlar, bosmaxona, musiqiy studiya jihozlari, videokamera va televizorlar hadya qildi.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

сиз, ҳурматли депутатларнинг бу борадаги кўпқирралари ишларингиз холисона таъкидланди.

Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бораётган қайси жабҳа ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламентимизнинг ўрни ва таъсирини, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Бугун иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий таркибий ўзгаришлар рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустаҳкамланаётгани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг кўламда катта қурилишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қўлга киритилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги намоёни, деб баҳоласак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоялашда қонунларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани хусусида гапирмасдан бўлмайди.

Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчиликни огоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган даъват ва баёнотлар Олий Мажлиснинг юксак минбаридан ҳам қайта-қайта янграганини, парламентнинг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир бор эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиёт, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар кўрилмасин, муҳокама қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон талаблари билан ҳамоҳанг эканини, улар халқаро қонунчилик андозаларига жавоб беришини, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаб қабул қилинганини алоҳида қайд этиш зарур.

Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қадриятлар одамларимизнинг тафаккурига чуқур сингиб боришига катта аҳамият бердик ва ўйлайманки, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Янги жамият қуриш йўлида, демократиянинг энг катта шарти ва белгиси бўлмиш ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи — яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ана шу андозаларга суяниб барпо этиш масалалари парламент фаолиятининг асоси ва негизини ташкил этгани эътиборга сазовор.

Шу борада сиз, ҳурматли депутатларимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунларни, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилганингиз, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда адолат мезонларига суяниш мақсадида қонун ва кодексларнинг қайтадан кўриб чиқилиб, уларга зарур ўзгартиришлар киритилгани, бундай ҳаракат ва қарорларимизни халқимиз ва халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шунингдек, бугунги кунда ҳал қилувчи тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ислоҳотларни жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар аграр соҳани янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, шу ҳисобидан асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилганини эслаб ўтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, шу қисқа даврда парламентимизнинг, такрор айтаман, сиз, муҳтарам халқ ноибларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли ҳисса қўшганингизни бугун мамнуният билан эътироф этишга барча асослар бор.

Қадрли дўстлар!

Бугун барчамиз 26 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамоқдамиз.

Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғлик ҳамоҳанг эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.

Такрор айтишга тўғри келади — бизларни кутаётган бўлғуси сайловлар аввалambор Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошкора, четдан ҳеч қандай тазйиқ ва таъсир ўтказмасдан, холисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмиз.

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқаро конференция ва семинарларда 29 та, аввалambор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, шунингдек, Америка, Осиё қитъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очиқ, яъни транспарент бир шароитда тайёргарлик олиб борганимизнинг тасдиғидир.

Ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак — биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқаро андозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маъқул, деб ҳисоблаймиз ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, холисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Бу масалада қандайдир қобиққа ўралиб, ҳамма нарсани ўзимиз биламиз, деб тепадан келиш, бошқаларнинг тажрибасини менсимаслик, маслаҳатига беписанд қараш каби ҳолатлар бизга номақбул эканини бутун халқаро жамоатчиликка намоён этишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзу-ниятимиз ва интилишимиз битта мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқаро кузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламизки, сайлов — ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу — аввало кураш, демакдир.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳс-мунозара қилиши, қизғин тортишувлар олиб бориши табиий, албатта.

Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шуни тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамиз. Лекин, шу билан бирга, сиёсий кураш майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари ҳар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг ягона манфаати, миллатимиз бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда қатнашадиган барча сиёсий кучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакилларининг, сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституциямиз, қонунларимизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдирса, сизларнинг орангиздан ҳам бу курашда ғолиб чиқиб, навбатдаги чақириқ депутатлари сайланади, деб ишонаман. Айни пайтда, янги парламент иш бошлагунча Олий Мажлисимиз ўз ваколати доирасида фаолиятини давом эттириб, ишчанлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва ҳимоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг умумэътироф этилган меъёрлар ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устунлигини таъкидлади.

Сўнгра сессияда «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокининг раҳбари, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси раиси Х.Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари Қ.Тошматов сўзга чиқди.

Бу чиқишлар вақтида Президент Ислом Каримов сиёсий партиялар ва блоклар депутатлар фракциялари раҳбарлари ҳамда сессия иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, мамлакат олий қонунчилик органининг юксак минбаридан туриб ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини уқтирди.

Шундагина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлай оламиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Молия вазири С.Раҳимов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу ҳужжатлар муҳокамасида Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов, Андижон тумани ҳокими Ҳ.Ҳакимов, Ғаллаорол тумани Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норқулов, Хатирчи тумани Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаххоров, Бандихон тумани ҳокими Ҳ.Чўтбоев, «Амубухорканалқурилиш» 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Э.Ҳайдаров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева тақдим этди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасидан бошланди. Унда Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири М.Анварова, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси Қ.Панжиев, Қўрғонтепа тумани «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов қатнашди.

Олий Мажлис «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарорни қабул қилди.

Шундан кейин Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Бу ҳужжатлар юзасидан Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачи М.Мамажонов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Андижонгўштсутсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, «Когонёғ» қурилаётган заводи дирекцияси директори М.Зайниев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева ўз фикрларини билдирди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунларни ва уларни жорий этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов сессия муҳокамасига ҳавола қилди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида парламентнинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятини таъминлаш комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акромов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Термиз шаҳри халқ таълими бўлими мудири Р.Каттаева қатнашди.

Олий Мажлис «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

* * *

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 3 декабрь куни ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Қонун лойиҳаси ҳақида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари И.Сайдахмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Жуманов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, «Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов ўз фикрларини билдирди.

Олий Мажлис мазкур қонун ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев томонидан тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов депутатлар олдида сўзга чиқди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекцияси махсус мухбири М.Обидов, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Имом ал-Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раиси З.Мунавваров, «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Шаҳрисабз тумани ҳокими А.Эрдонаев, «Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси К.Хўжамуротов иштирок этди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамага қўйди. Депутатлар бу қонунни маъқулладилар.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги халқаро шартномани ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессияси Котибияти раҳбари Х.Назаровнинг фуқароларнинг парламентга мурожаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра, парламент Б.Мирбобоевни Конституциявий суд раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис К.Исаровни Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, Ш.Ғозиевни Олий суд судяси этиб сайлади, З.Худойқуловни Олий суд судяси вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси А.Ишметовнинг таклифига кўра, депутатлар Ш.Мамадиёровни Олий хўжалик суди судяси этиб сайлади.

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида омбудсман С.Рашидова ҳисобот берди. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳамедова, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театри етакчи солисти М.Раззоқованинг чиқишларидан сўнг парламент ушбу ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунинг билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Umumta'lim fanlari bo'yicha o'tkazilayotgan olimpiada ular orasidagi eng iste'dodli va qobiliyatlilarini aniqlabgina qolmasdan, ayni paytda ta'lim olayotgan barcha o'quvchilarning chuqur bilim olishga qiziqishlarini oshirishning ham muhim omillaridan biridir.

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР ЯРАТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Дарслик Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида белгиланган меъёрий талаблар асосида ўқувчиларга бериладиган назарий ва амалий тушунчаларни ўзида мужассам этган ўқув китобидир. Ҳар бир дарслик жамиятнинг билимли ҳамда маънавий баркамол фуқароларини тарбиялаш учун хизмат қилади. Фан асосларининг ҳаёт билан, меҳнат жараёни билан ўзаро боғланишини амалга оширишга, ҳозирги даврнинг муҳим муаммоларини тушуниб олишда ўқувчи-ёшларнинг илк ёрдамчисидир.

Истиқлол йилларида мактаб таълимини ислоҳ қилиш, хусусан, дарслик ва ўқув-методик адабиётлар мазмунини янгилаш, уларнинг янги авлодини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-қарорига асосан дарсликларнинг янги авлодини яратиш бўйича белгиланган жараён амалиётда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Кейинги йилларда Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида айрим дарсликлар танлов асосида яратилиб, ижара тизимига киритилаётганини дарсликлар янги авлодини яратиш бўйича бошланган хайрли ишларнинг давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

Президентимиз томонидан "... дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак", деб таъкидланиши соҳа мутахассисларига янада катта масъулият юклайди. "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг қабул қилиниши таълим муассасалари моддий-техника заҳирасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш баробарида, таълим мазмунини янгилаш, такомиллаштиришни ҳам тақозо этмоқда. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири дарслик экан, уларнинг давр талаби, жаҳон андозаларига мос келадиган даражада бўлишини таъминлаш билан шуғулланиш кундалик вазифага, масъулиятга айланиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори мазкур жараённинг ҳукумат даражасидаги ўта жиддий масала эканлигини кўрсатади. Шаклланиб қолган анъанага кўра, мактаб дарсликлари асосан назариётчи олимлар томонидан яратилиб келинган эди. Кейинги йилларда олим, олим-методист, амалиётчи тарзида шакллантирилган муаллифлар томонидан дарсликларнинг яратилиши таълимнинг амалий йўналишини кучайтиришга имкон бермоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мақсадларига мувофиқ кейинги йилларда мактаб таълими мазмуни билан боғлиқ ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар, бевосита ушбу жараёнга амалиётчиларнинг жалб этилиши уларни бефарқ қолдирмаяпти. Ўзи ҳар куни мулоқотда бўладиган, фаолиятининг асосий омили ҳисобланган дарсликларнинг кимлар томонидан яратилаётгани, ўқувчи ёши, билим даражасига мос бўлиши, дизайн каби масалалар билан қизиқмоқдалар, ўз муносабатларини билдирмоқдалар. "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида" Низом ишлаб чиқилиши ҳамда мазкур Низомнинг кенг жамоатчилик диққатига ҳавола этилиши бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, кўп сонли амалиётчилар орасидан лаёқатли, ижодкор ўқитувчиларни танлаш, рақобат муҳитини яратиш, ёш муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш имкониятини беради.

Танлов асосида замонавий дарсликлар яратилсаю амалиётчилар у дарслик билан ишлаш бўйича методик жиҳатдан таъминланмаса, кутилаётган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Шу маънода, дарсликлар янги авлодининг методик қўлланмаси билан биргаликда яратилаётгани методик йўналишдаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи талаблари, яъни таълим мазмунига илғор педагогик технологияларни кенг қамровда жорий этиш ишларига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилаяпти.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби, шунингдек, мазкур ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ушбу йўналишда кечаётган жараёнларнинг, маълум даражада тўпланган тажрибанинг янада мукаммаллашуви ва изчиллашувини таъминлайди.

Munosabat

Таъкидлаш жоизки, дарслик яратиш жуда катта машаққатли меҳнат ва масъулият талаб қилади. Дарслик яратувчи муаллиф ўз соҳасининг билимдони, касбининг фидойиси, педагогика-психология илмини пухта билган, замонавий педагогик технологиядан хабардор мутахассис бўлиши лозим. Бу - масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони етук мутахассислар томонидан яратилган китобни баҳоловчи экспертлардир. Экспертлар шундай танланиши керакки, улар китоб ёзиш машаққатини дилдан ҳис этадиган, адолатли, холис, ҳар томонлама ўйлаб ҳукм чиқарадиган, китобнинг муқаддаслигини эсдан чиқармаган ҳолда қўлёзмага ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўла оладиган инсонлар бўлиши лозим.

Бинобарин, юрт келажаги кўп жиҳатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай муҳим вазифани амалга ошириш учун Ватанига, халқига, истиқлол ғоясига садоқатли, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор шахсни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб турибди. Шундай экан, замонавий мактаб дарсликлари ва методик адабиётлар ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш омилларидан бири эканлигини ҳар бир таълим ходими масъулият билан ҳис этиши керак.

Муҳаббат АБДУРАИМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи,
педагогика фанлари номзоди

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ:

Биринчи босқич якунланди

Бугун мактаб партасида ўтирган иқтидорли ўқувчини эртага республика олимпиадасига, ривожланган давлатларда ўтказилиб келинаётган Халқаро фан олимпиадасига олиб чиқадиган муҳим саралаш синови Навоий вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Вилоятдаги барча мактабларда «Олимпиада бурчаги» тайёрланди. Кармана туманидаги 15-мактабда ўтказилган семинар-тренингда «Мактаб олимпиадаси: янгича ҳаракат ва самарадорлик» шиори устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

20-27 ноябрь кунлари жойларда биринчи босқич фан олимпиадаси ўтказилди. Хатирчи туманидаги 10-мактабда 1512 ўқувчининг 85,3 фоизи билимлар синовида қатнашди.

— Шу мактабда 35 йилдан бери ўқитувчилик қиламан, — дейди Муҳиддин Иботов. — Бироқ, олимпиада жараёнида мен ҳам ҳаяжонга тушаман. Биринчи босқич олимпиадаларини ўтказишга бўлган муносабат бу йил тубдан ўзгарди. Ҳар хил расмиятчилик, ўзибўларчиликларга чек қўйилди. Ҳар бир фан ўқитувчиси гўё ўзи олимпиадада иштирок этаётгандек жон куйдириб ҳаракат қилмоқда.

***

Навоий шаҳридаги 1, 2, 7, 17, Хатирчи туманидаги 18, 46, Қизилтепа туманидаги 5, 12, 15, 18, Навбаҳор туманидаги 1, 9, Конимех туманидаги 1, 2, Кармана туманидаги 3, 4, 15, Нурота туманидаги 2, 5, 18, 27-мактабларда ҳам биринчи босқич фан олимпиадалари катта тайёргарлик билан ўтказилди. 10 кун аввал олимпиада жадвали, РТМ тавсиялари ва баҳолаш мезонлари, янги таҳрирдаги Низом, олимпиадада қатнашувчи ўқувчилар сони ва рўйхати каби маълумотлар тайёрланиб, «Олимпиада бурчаги»га чиқариб қўйилди. Мазкур илм масканларидаги ўқувчиларнинг 65-70 фоизи олимпиадаларда фаол иштирок этгани қувонарлидир.

Мухбиримиз

***

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 226-мактабда ҳам фан олимпиадалари янги таҳрирдаги Низом асосида «Билимлар синови» шаклида ўтказилди.

— Фан олимпиадаларига ўқитувчиларимиздан Р.Назарова, Х.Газиева, Л.Данилова, Т.Антонина, М.Аҳмедова кабилар ўқувчиларимизни бир неча йиллардан бери тайёрлаб келмоқдалар, — дейди мактаб раҳбари Наби Ниёзов. — Шу сабабли бу ўқувчилар юқори балл тўплаб, туман босқичига йўлланма олдилар. Шарофат Юсупова, Нодир Бегматов, Азиз Ниёзов, Дилдора Мардиева каби ғолибларимиз кейинги босқичларда ҳам ишончимизни оқлайдилар, деган ниятдамиз.

Дилшод МАМАТОВ

***

Шайхонтоҳур туманидаги Ҳайит Тоғаев номидаги 192-мактабда 13 та фан бўйича I босқич олимпиадалари бўлиб ўтди. Унда 410 ўқувчи ўз билимини синаб кўрди.

— Мактабимизда она тили, инглиз тили, ЭҲМ, математика, чизмачилик, кимё фанларидан олимпиада қизиқарли ва жонли уюштирилишида ўқитувчиларимиздан Манзура Зокирова, Малика Ниёзова, Зуҳра Рашидова, Умида Исаева, Азим Янгибоевнинг ҳиссалари катта бўлди, — дейди илмий бўлим мудири Озода Ваҳобова. — Физикадан амалий машғулотларни ўтказиш учун барча асбоблар шай қилиб қўйилди. Ўқувчиларимиздан Акбар Қулов (чизмачилик фанидан), Наргиза Ибодова (биология), Зиёда Пўлатова (она тили), Шерзод Одилов (инглиз тили) юқори балл тўплаб, ғолиблик шоҳсупасига чиқдилар. Ўқувчимиз Шерзод Одилов АКСЕЛС танловининг икки тури бўйича ғолиб бўлиб, учинчи тури — ёзма иш бўйича натижасини кутиб турибди. Агар, ғолибликни қўлга киритса, ўқишини Америка Қўшма Штатларида давом эттиради.

Дарҳақиқат, олимпиадага бу йил аввалги йилдагилардан кўра жиддий муносабатда бўлинаётгани яққол сезилмоқда.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

***

Фарғона вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам фан олимпиадаларининг I босқичи муваффақиятли ўтказилди. Жумладан, Охунбобоев туманидаги 8-мактабда 5-8-синфлар ўқувчилари ўртасидаги олимпиада натижаларига кўра, Б.Холбекова, А.Абдуллаев, М.Ваҳобова, Ў.Турғунова немис тили бўйича, С.Давлатова, Ҳ.Абдурашидова, З.Маминова, Т.Шералиевалар биология фани бўйича, С.Ҳакимова, И.Fозиев, Н.Қурбонова рус тили бўйича, М.Анваржонова, И.Мамажонова она тили фани бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Тумандаги 17-мактаб ўқувчиси Д.Собирова ўтган ўқув йилида инглиз тили бўйича ўтказилган олимпиадада туманда биринчи, вилоятда эса фахрли 3-ўринни қўлга киритган эди. Шоҳиста Умурзоқова эса, рус тили фани бўйича ўтказилган беллашувларда туман ғолиби бўлган эди. Бу йилги ҳаракат ҳам ўтган йилги натижаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур тумандаги 13-умумтаълим мактаби туманнинг энг чекка қишлоқларидан бирида жойлашган. Ушбу билим даргоҳида ўзбек болалари билан бирга қирғиз миллатига мансуб ўғил-қизлар ҳам дўст ва аҳил бўлиб таълим-тарбия олишмоқда. Айни пайтда бу ерда 9-11-синфлар ўртасида фанлар олимпиадасининг мактаб босқичи якунланиб, ғолиблар эълон қилинди. М.Орзиева, Х.Йўлдошева, Г.Фахриддинова, Ф.Тошматов, М.Абдураҳмонова, Ф.Болтабоева, Ҳ.Эркабоев, М.Фахриддинова каби ўқувчилар юқори балл тўплаган ҳолда ғолиблар сафидан жой олдилар. Улар бошқа ғолиб мактабдошлари билан бирга олимпиаданинг туман босқичига ҳозирдан тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

Olimpiada — 2004

Қоҳира Алиевани Фарғона шаҳридаги 25-мактабда инглиз тили билимдони сифатида яхши билишади. 9-синфда ўқиётган бу қиз яқинда чет тилидан билими чуқур эканлигини яна бир бор исботлади. Қоҳира мактабда ўтказилган фан олимпиадасида қатнашиб, ғолиб чиқди. У инглиз тили бўйича ўтказилган олимпиаданинг 1-босқичида 100 балл (!) тўплади. Шунинг учун ҳам бўлажак шаҳар олимпиадасида у мактаб шарафини ҳимоя қилиши аниқ. Яна бир 9-синф ўқувчиси — Ҳаёт Мўйдинов эса, рус тили билимдони. У тажрибали муаллима Татьяна Белозерскаянинг шогирдидир. Ҳозир улар шаҳар олимпиадасига тайёрланмоқда. Аниқ фан — математика бўйича мактабнинг 7-синфлари ўртасида Дилором Жаҳонгировага тенг келадигани йўқ. У мактаб олимпиадасида 96 балл тўплаб, ғолиб чиқди. Келгусида Дилором, албатта, шаҳар, вилоят олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, мактаб шарафини ҳимоя қилишига шубҳа йўқ.

Хуршида Қаюмова 25-мактабнинг яна бир фаол ўқувчиларидандир. 9-синфда ўқиётган Хуршида она тили фанидан ўтказилган олимпиаданинг 1-босқичида 90 балл тўплаб, ғолиб чиқди.

— Мактабимизда олимпиаданинг биринчи босқичи 13 та фан бўйича ўтказилди, — дейди илмий бўлим мудири Насибахон Исмоилова. — Унда билимдонлар беллашувларида иштирок этиш истагини билдирган 5-11-синф ўқувчилари қатнашадилар. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида кичик фан олимпиадалари ўтказилди. Ўқувчиларимизга бир ёки икки фан бўйича ўз билимларини синаб кўришлари учун имконият яратилди. Ўтказилган фан олимпиадалари якунлари бизга ўқувчиларимизнинг билим савиясини баҳолаш имконини берди.

Умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган олимпиада улар орасидаги энг истеъдодли ва қобилиятлиларини аниқлабгина қолмасдан, айни пайтда таълим олаётган барча ўқувчиларнинг чуқур билим олишга қизиқишларини оширишнинг ҳам муҳим омилларидан биридир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ

ОВОЗЛАР ҚУТИЧАДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Сайлов ўтказиш кишилик жамиятининг энг улуғ кашфиётларидан биридир. Айнан шу тушунча инсоннинг ўзга инсонга нисбатан муносабатини ифодалайдиган муҳим белги. Айнан шу жараён орқали Инсон ўзининг хос ҳуқуқлари бўлган бошқариш ваколатини ўзга инсонга бахшида этади.

Жамият, хусусан, унинг бир бўлаги ҳисобланган миллий давлат фаолияти мураккаб жараёнлардан иборатки, ҳар бир инсоннинг алоҳида фаолият кўрсатиши билан уни бошқариб бўлмайди. Бу ҳаётий гап. Зеро, бошқарув тушунчасининг ўзиёқ инсонларнинг ўзаро бирлашишини, жипслашишини тақозо этади.

Ушбу муаммони ҳал этиш, турли усуллар билан амалга оширилганлигига, сайловлар ҳам ушбу тинимсиз изланишларнинг бири эканлигига тарих гувоҳ.

... Мен ёш бўлганлигим учун "шўро"лар даврида ўтказилган сайловларда иштирок этмаганман. Лекин жонажон Нурота тоғлари ён бағридаги мўъжазгина қишлоқчада бобомлар билан сайловга борганим, одамларнинг 3-4 та, баъзида ундан ҳам кўп кичик-кичик қоғозчаларни қип-қизил мато билан ўралган қутичаларга ташлаганлигини кўрганман. Ҳатто қайсидир бир амакимнинг "Катта бўлсанг сен ҳам депутат бўлгин", дея кўп қоғозчаларни қутичага ташлаттирганлиги ҳам ёдимда. У пайтлар сайлов нималигини, унинг маъносини, қадрини тушунмаганлигим, табиий.

Бугун юртимнинг қутлуғ даргоҳларидан бирида таҳсил олар эканман, мустақиллик сайловлари айниқса, ҳадемай ўтказиладиган сайлов ҳақида унинг бугун ким билиб, ким билмай қолаётган хислатлари ҳақида ўйлайман.

Устозларимнинг маърузаларидаги ушбу сайловнинг ҳуқуқий жиҳатларини тинглар эканман, ҳаяжонланиб кетаман. Меҳнаткаш халқимнинг шундай мунаввар кунларда яшаётганлигидан қувонаман.

Хўш, йил охирида ўтказилаётган сайловларнинг қандай ўзига хос ликлари бор? Мустақиллик сайловлари ичида унинг ўрни нималарда кўринади?

Назаримда, ушбу сайлов энг аввало қадри асрларга тенг бўлган кейинги 13 йил давомида мустақиллик қонунчилигининг пойдевори асосан яратиб бўлинганлигини, эндиги муҳим вазифа — яратилган қонунларни такомиллаштиришни тугаллашдан иборат эканлигини англатади.

Қолаверса, икки палатали Олий Мажлисга сайловлар тизимига ўтиш, оёққа туриб олган мамлакатимиз иқтисодиётининг янада гуллаб-яшнашига муҳим заминдир. Негаки, ҳеч бир мамлакат иқтисодиётини, айниқса, бугунги жадал даврда мукаммал қонунларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу исбот талаб этмайдиган аксиома.

Умуман олганда, қонун чиқарувчи ҳокимиятимизни икки палатадан иборат ҳолда ташкил этишни, сайлов тизимининг ҳам унга мос ҳолда ўтказилишини халқимиз якдиллик билан қабул қилди. Шу маънода бўлган жиҳатларини яхши тушунади, деган важларни асос қилишмоқда.

Назаримда, бундай кескин чекланишларни қўйиш унчалик ижобий натижа бермаслиги мумкин. Ахир юқори ва қуйи палатали қонунчилик ҳокимиятига ўтишнинг асосий мақсади фақатгина қонун яратиш эмас, балки уларни такомиллаштириш, қонунларни ҳаётга янада яқинлаштиришдан ҳам иборат.

"Депутатлик касби", деган ибора ҳам тилимизга кириб келмоқда. Қайсидир маънода бу яхши, лекин назаримда, жиддийроқ ўйлаб қарасак, бу ибора депутатлик обрўсини пасайтиргандай, депутатлик тушунчаси кенглигини чеклагандай туюлади. Биргина мисол: "Депутатлик — касб" деган ибора олдида депутатлик — бу ишонч дегани қандай мағрур жаранглайди. Майли, бу тортишувлар бугуннинг баҳси, эртага улар ўзининг муқаррар ечимини топади. Бундай мунозаралар қанчалик кўп бўлса, ҳамюртларимизда сайлов, унинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида шунчалик кўпроқ тушунчалар пайдо бўлади.

Мени қувонтираётган нарса шундан иборатки, бугунги сайловлар инсоннинг тилагини, унинг кимни сайлаш истагини тўлиқ рўёбга чиқаради. Ким кимни сайламоқчи бўлса, сайлайди, бу йўлда ҳеч қандай қаршилик бўлиши мумкин эмас. Шоир А.Орипов сўзи билан айтганда, "Ҳеч кимнинг овози бўғзида қолмайди".

Мана шу жиҳатнинг қонунларимизда тўлиқ ҳимояланганлиги ва амалда ҳам тўлиқ бажарилаётганлиги мустақиллик сайловларининг энг буюк ютуғидир. Айнан шу хислат ҳозирги сайловларимизни "шўро"лар сайловидан кескин фарқлантиради, айнан шу жиҳатгина сайловга умид билан келган инсоннинг овози муҳрланган варақаларнинг қутичаларда қолиб кетмаслигини таъминлайди.

Раъно ҲУСАИНОВА,
Тошкент давлат юридик институти 3-курс талабаси

Сайловга 22 кун қолди



МДҲ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

26 декабр куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларнинг қонуний адолатли ўтганлигини баҳолашда халқаро кузатувчиларнинг баҳоси муҳим аҳамият касб этади. Бу йилги сайловларда ҳам халқаро кузатувчиларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам сайловда кузатувчи сифатида иштирок этадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссияси Тошкентда иш бошлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссияни рўйхатга олишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонга ташриф буюрган МДҲ ижроия қўмитаси раиси — МДҲ ижрочи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев Ўзбекистонда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мутлақо янги асосда ташкил этилган сайловларни ўтказишга тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзлади.

Сайлов кампаниясида бешта партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этмоқда. Сайловга тайёргарлик очиқлик, ошкоралик ва трансперентлик руҳида бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидан халқаро кузатувчилар миссиясининг рўйхатдан ўтиши ҳам буни тасдиқлайди. Учрашув қатнашчилари миссиянинг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этдилар.

Учрашув якунлангач, Владимир Рушайло матбуот учун баёнот берди. У миссия МДҲ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба тўплаганини таъкидлади. Жумладан, МДҲ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда қатнашган. Бундан ташқари, тез орада Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг аниқ сони ҳам маълум бўлади. Улар сайлов округларида Ўзбекистон сайлов қонунчилигига риоя этилишини бевосита сайлов арафасида ва сайлов вақтида назорат қиладилар. Кузатувчилар сайловдан бир неча кун олдин Ўзбекистонга келадилар. В.Рушайло республика раҳбарияти ва шахсан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистонда МДҲ халқаро кузатувчилари миссияси ишига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида МДҲ халқаро кузатувчилари миссияси аъзолари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар. В.Рушайло миссия ишини ташкил этиш ҳақида гапирар экан, у ўз фаолиятини ЕХҲТ миссияси билан яқин ҳамкорликда олиб боришини таъкидлади. Миссияларнинг баҳолаш базасини ташкил этадиган кузатувчилар анкеталари асосий кўрсаткичлар бўйича бир-бирига ўхшаш ва мазмунан бир хил. Бироқ, МДҲ ва ЕХҲТ кузатувчилари миссияларининг Қозоғистон, Беларус ва Украинада ўтган сайловлардаги фаолияти тажрибасидан кўринадики, муайян воқеаларни баҳолашга ёндашувларда қайсидир даражаларда тафовутлар мавжуд. Миссия иштирокчилари МДҲ кузатувчилари иш олиб боришлари учун Ўзбекистонда барча шароит яратилганини қайд этдилар.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Ma'rifat" мухбири

КОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

Bir soatlik dars

Ўқитувчи: *— Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Меҳри дарё устозлар, азиз ўқувчилар! Ҳаммамизга маълумки, 1992 йил 8 декабрда давлатимиз Қомуси — Конституциямиз қабул қилинган. Шундан бери бу кун бизнинг мамлакатимизда байрам ҳисобланиб, дам олиш куни деб эълон қилинган.*

"Қомусимиз — бахтимиз" *мавзуидаги тарбиявий соатимизни очиқ деб эълон қиламиз.*

Конституция Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XI сессиясида қабул қилинган бўлиб, у муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ҳамда 128 та моддадан иборат. Уларнинг барчасида адолат устувордир, шунинг учун у ***"Адолат қомуси"*** *деб аталади.*

— Қани ўқувчилар, Конституция ҳақида нималарни биласиз?

1-ўқувчи: *— Унинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси демократик фуқаровий давлат қуриш учун лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда социал-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.*

2-ўқувчи: *— Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқларнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий қонуни ва тафаккури маҳсулидир. Унинг лойиҳаси устида республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги комиссия икки йил давомида ишлади. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси, дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.*

Ўқитувчи: *— Яна шуни таъкидлашимиз керакки, янги Конституцияни яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинган. Шунингдек, ривожланган демократик мамлакатлар ҳисобланмиш АҚШ, Япония, Канада, Германия, Франция ҳамда Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституцияси тажрибасидан ижобий фойдаланилган.*

— Хўш, янги Конституциянинг ижобий жиҳатлари, аввалги Конституциядан фарқлари нималардан иборат?

3-ўқувчи: *— Давлатимиз раҳбари айтганидек, аввалambор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи —* ***Инсон*** *деган фикр илгари сурилган ва шу асосда фуқаро, жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона, ҳуқуқий ечими топилган.*

Ўқитувчи: — Конституциямиз қандай мақсадларни кўзлайди?

4-ўқувчи: *— Конституциямизда мустақиллик асосида инсон ҳуқуқлари белгиланган ва таъминланган, демократия ва ижтимоий адолат ғоялари сингдирилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган.*

5-ўқувчи: *— Конституцияда ҳуқуқий давлат қурилиши мақсад қилиб олинган, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликка эришиш назарда тутилган. Фуқаролар Конституцияни яхши билса, жамиятда давлат билан муносабатда ўз ўрнини топади.*

Ўқитувчи: *— Конституцияда ана шундай олижаноб мақсадлар ифодаланган ва у бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимизни тартибга солиб, ҳуқуқларимизни қонуний кафолатлайди. Шунингдек, Конституцияни халқимизнинг инсонпарварлик ва адолат, эркинлик ва тенглик, ижтимоий-сиёсий тараққиёт ҳамда миллий давлатчилик ҳақидаги кўп асрлик орзу ва умидлари мужассам бўлган ҳужжат дейиш мумкин.*

— Конституцияга тенг келадиган ёки унга ўхшаш қонун яратган яна қайси мутафаккирларни биласиз?

6-ўқувчи: *— Ўзига хос қонун жорий қилганлар орасида Амир Темур ҳам бор. XIII—XIV асрларда буюк давлатга асос солгач, у "Тузуклар" деб аталган авлодларга қаратилган қонунлар мажмуасини яратди. "Тузуклар"да Амир Темур ўзининг давлатни бошқаришдаги тажрибаларини умумлаштирган.*

Ўқитувчи: — Амир Темур ўгитларидан мисол келтира оласизми?

7-ўқувчи: *— Энг баланд минора ердан кўтарилгай.*

8-ўқувчи: *— Чегараси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутулиб бўлмайди.*

Ўқитувчи: — Кундалик ҳаётда ҳар куни фойдаланиладиган конституцион ҳуқуқларимиздан мисол келтиринг-чи.

9-ўқувчи: *— Бизнинг истаган динимизга эътиқод қилиш ёки қилмаслигимиз Конституциянинг 31-моддасида ўз аксини топган. Унда айтилишича: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди".*

10-ўқувчи: *— Биз ҳар куни мактабга ўқишга келамиз. Бу ҳуқуқимиз Конституциямизнинг 41-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган.*

11-ўқувчи: *— Ота-онамиз ҳар куни ишга боришади. Бу ҳуқуқ эса, Конституциянинг 37-моддасида белгилаб қўйилган, яъни: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга".*

Ўқитувчи: *— Конституция бизга шунча ҳуқуқларни берган экан, ундан унумли фойдаланишимиз ва Конституция ҳақида бошқаларга ҳам ўргатишимиз керак. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов ёш авлодларимизга ишонч билдириб, шундай дейди: "Ёш авлодларга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарининг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар".*

Азиз ўқувчилар! Шу азиз ва муқаддас Ватан барчамизники, уни асраб-авайлаш, мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Зироат АҲМАДЖОНОВА,
Самарқанд шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси

Yaqinda Buxoro viloyat ko‘zi ojiz bolalar maxsus maktab-internati o‘qituvchisi Ramazon Hamroev o‘z qo‘li bilan yasagan ko‘zi ojiz bolalar foydalanishlari uchun geografiyaga, hayvonot olamiga oid ko‘rgazmali plakatlar sovg‘a qildi.

ЎЗЛИККА ЭЪТИБОР

Жаҳон фани, илмий юксалиши, маданияти, санъати ривожига улкан улуш қўшган аллома ва фузалолар фаолият кўрсатган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини мактабимиз педагогик жамоаси, ўқувчи-ёшлар қувонч билан қарши олдик. Ушбу улуғ тўйни муносиб нишонлаш учун тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Айни кунларда эса, Хивада жойлашган Маъмун академиясининг илмий ходимлари, олимлар, профессор ва тарихчилар билан мактабимизда тез-тез учрашув ва мулоқотлар ўтказяпмиз. Давра суҳбатлари ёшларда Маъмун академиясига нисбатан жуда катта қизиқиш уйғотиб, улар турли-туман саволларга тўлақонли жавоб олишмоқда. Бу, ўқувчиларнинг билим салоҳияти кенгайишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Munosabat

Маъмун академиясининг тарихига оид кўргазмали қуроллар ташкил қилишга киришдик. Қадимда ушбу табаррук даргоҳда фаолият кўрсатган илму урфон аҳли, донишмандлар ҳақида деворий газеталар, суратли лавҳалар чиқардик.

Хоразм Маъмун академиясининг буюк меросини ҳар томонлама ўрганиш ёшлар онгида миллий ғурур, ўтмишга ҳурмат ҳисларини уйғотади. Зеро, тарихни англамай ва ҳис қилмай туриб келажак авлод вакилларини тарбиялаш мушкул. Тарихга ҳурмат — ўзликка эътибордир!

Тамара АБДУЛЛАЕВА,
Урганч шаҳридаги 16-мактаб директори

БАҲТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллигига бағишланган тадбирлар таълим-тарбия муассасаларида кенг нишонланмоқда. Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуасида “Конституция — бахтимиз пойдевори” шиори остида ўтказилган танлов шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар Адлия бошқармаси, “Камолот” ЁИҲ шаҳар кенгаши, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди. Бу танлов ўқувчилар ўртасида ўтказилиб, унда Конституция ҳақидаги энг яхши ижодий ишлар саралаб олинди. “Энг яхши расмлар” йўналиши бўйича 246-мактаб ўқувчилари О.Мирзааҳмедова, Э.Минербоева, иншолар йўналиши бўйича Д.Йўлдошева (265-мактаб) ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, “Энг яхши баён” йўналиши бўйича 1-ўрин Сирғали туманидаги 300-мактаб ўқувчиси Гулзода Қодировага насиб қилди. А.Икромов туманидаги 238-мактаб “Энг яхши альбом” йўналиши бўйича 1-ўринни олган бўлса, шу тумандаги 116-мактаб “Намунали ҳуқуқ хонаси” йўналишида ғолиб деб топилди. Бундай танловлар бир томондан ўқувчиларнинг истеъдодини юзага чиқарса, иккинчи томондан уларнинг Конституцияни ўрганишларига туртки беради.

МУХБИРИМИЗ

БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР!

Фарғона вилоятидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. 2003 йил январ ойида 37 нафар ўқувчи билан гуруҳлар сифатида иш бошлаган ушбу мактабда ҳозирги кунда 73 нафар кўзи ожиз болалар тарбияланмоқда. Мактабимизда 10 та синф шаклланган бўлиб, 22 нафар ўқитувчи-мураббийлар ва 16 нафар тарбиячилар болаларга билим бериб келишмоқда. Аввалари вилоятдаги кўзи ожиз болалар бошқа вилоятлардаги мактаб-интернатларда таълим олишар, бу эса, уларга анча қийинчиликлар туғдирарди. Баъзи болалар эса, уйларида якка тартибда таълим олишган бўлса-да, бу бир-икки соатлик машғулотлар уларнинг имкон даражасида билим олишлари учун етарли эмасди. Бугунги кунга келиб уларнинг ҳам бошқа тенгдошлари қатори чуқур билим олишлари учун имкон қадар шароит яратилмоқда. Ўқувчилар ўртасида мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб борамиз. Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб “Бор бўлсин яхшилар” деб номланган тадбир ўтказдик. Конституция куни муносабати билан 8—9-синфлар ўртасида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови уюштиришни режалаштирганмиз. Яқинда Бухоро вилоят кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси Рамазон Ҳамроев ўз қўли билан ясаган кўзи ожиз болалар фойдаланишлари учун географияга, ҳайвонот оламига оид кўргазмали плакатлар совға қилди. Юртимизда, вилоятимизда бундай қўли очиқ, савобталаб инсонлар кўп. Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли бинони қайта таъмирладик. Мактаб томи шифер қилинди, ошхона қайта жиҳозланди, 18 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Эришган бу натижаларимиз унча катта кўрсаткични ташкил этмаса-да, вилоятда шундай мактабнинг очилгани, қалби кемтик болаларнинг оғирини енгил қилаётганлигимиз кўнглимизни кўтаради.

Мўминжон САЛАЙДИНОВ,
мактаб-интернат директори

3 dekabr— Xalqaro nogironlar kuni

«МЕҲР ҚОЛУР ДИЛЛАРДА»

“Халқаро ногиронлар куни” ҳамда Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб “Меҳр қолур дилларда”, “Ҳаётимиз Қомуси” мавзуларида пойтахтлик болалар ижодий кўргазма-танлови ҳамда байрам кечаси бўлиб ўтди.

Кўргазма-танловда Тошкент шаҳрининг Бектемир, Юнусобод, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек туманлари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон болалар ва марказ ижодий студияларининг 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган аъзолари ўзлари яратган ижодий асарлари билан иштирок этдилар.

Танловнинг ҳакамлар ҳайъатига болалар ижодий ишларининг ўндан ортиқ йўналишларидаги 191 та, жумладан, 123 та амалий санъат ва 68 та тасвирий санъат асарлари тақдим этилган эди. Тадбир сўнгида ғолиблар номи эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Болалар ижодиёти маркази, ҳомийлар, ота-оналар томонидан ғолибларга ҳамда кўргазма-танлов иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маъмурахон ҚУТЛИЕВА,
“Ma’rifat” мухбири



Деҳқонобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи асосан туман учун энг зарур мутахассислар етиштиришга ихтисослашган. Масканда 7 йўналиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериляпти. Ўқувчиларга миллий истиқлол ғоялари кенг тушунтирилмоқда. Ёшларнинг ўқиб-ўрганишлари учун етарли шароитлар муҳайё.

Коллеж ўқувчилари ўртасида турли қизиқарли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланиб қолган. Волейбол, стол тенниси, шахмат спорт турлари бўйича қизлар вилоят босқичида 1-ўринни олишга эришдилар.

Бундан ташқари Европа таъсис кўмаги Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш лойиҳаси билан ҳамкорликда катта ёшдаги йигит-қизларни ўқитиш бўйича иш олиб бормоқда. Шу лойиҳа асосида айни пайтда 20 нафардан зиёд иш билан банд бўлмаган ёшлар компьютер оператори йўналишида қисқа муддатли курсларда таълим олишаётир.

Ҳозирда илм даргоҳида 638 нафар ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олмоқдалар.

Суратларда: касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Баҳром МУРОДОВ олган суратлар.

ОФАТГА ЙЎЛИҚМАНГ!

Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан “ОИТСга — ўлим!” шиори остида Фарғона вилояти мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Мақсади ёш авлод ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олишдан иборат бўлган бу тадбирнинг вилоят босқичи Қўқон ва Фарғона ҳудудлари бўйича ўтказилди. Қўқон ҳудуди туманлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда Бешариқ тумани жамоаси ғолиб чиқди. 2- ва 3-ўринларни эса, Учкўприк ва Ўзбекистон туманлари жамоалари эгалладилар.

Ҳар бир жамоа ОИТСнинг фожиали оқибатларини фош қилувчи саҳна кўриниши, пантомима, ҳаракатли ўйин, шунингдек, эркин мавзуда шеър, қўшиқ, рақс намойиш этди. Улар ўз чиқишларида, шунингдек, тақдим этилган расмлар ва плакатларда гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки чекиш иллатларини қораладилар.

Кўрик-танлов ҳайъати Ёзёвон тумани жамоасини 1-ўринга муносиб деб топди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ

1-dekabr — Butunjahon SPIDga qarshi kurash kuni!

Саидкомил УМАРОВ:

ЎҚИТУВЧИ – ҚАЛБИМГА ЯҚИН ОБРАЗ

Театрдан «тарвузим қўлтиғимдан тушиб» қайтдим. 24 ноябрь куни Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров билан учрашиб, "Меҳмонхона" тайёрлашим керак эди. Театрнинг ёш хизматчилари у кишининг куни кеча Москвага гастролга кетганлигини айтишди. "Бу қанақаси, ахир менга ваъда берувдилар-ку!", дея бироз асабийлашиб изимга қайтдим. Таҳририятга келиб, қаҳрамонимнинг уйига қўнғироқ қилсам, телефон гўшагини ўзи кўтарди. Бўлган воқеани айтсам, "Наҳотки журналистларни алдайдиган актёр бўлсам, ўн дақиқа кутмабсиз-да!" деди. Ҳар кимнинг гапига лаққа тушганим учун афсусланиб, у киши билан эртаси куни яна соат 11 да суҳбат қурадиган бўлиб хайрлашдик. Буни қарангки, мен соат 11 да деганимни меҳмонимиз 10 да деб эшитиб, эртаси куни билар-билмас ҳолатда яна икковлашиб "қовун" туширдик. Актёр роппа-роса 10 дан 11 гача мени кутиб, сўнгра "Бахт учун миллион ёки Сарвиноз – 2" фильмида ўзи иштирок этадиган кадрлар тасвирига кетмоқчи бўлиб турган экан. Лекин Саидкомил ака ноилож учинчи марта овора бўлмайлик дея, тасвирга олинадиган жойга мени ҳам таклиф қилди. Шундай қилиб, актёр тасвирга олиш жараёнидан бўшаган лаҳзаларда вақт топиб, суҳбатлашдик. Қуйида ана шу мулоқот тафсилоти.

— Жамиятда обрў-эътибор топган актёр сифатида театр санъатининг сизга нима берганлиги тўғрисидаги илк савол билан суҳбатимизни бошласак.

— Қадимда яшаб ўтган алломалар ўзларидаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдор эканлиги ҳақидаги фикрларни жуда кўп ўқиганмиз. Таъбир жоиз бўлса, театрнинг ҳам хизмати китобникидан кам эмас. Ахир, театр саҳнасига қўйиладиган асарлар қайсидир китобларнинг театрлаштирилган, яъни жонлантирилган кўриниши эмасми? Театр санъати ҳаётимнинг ажралмас бўлагига, яъни туб мазмунига айланган. У мени тарбиялади, вояга етказди, пишитди, шунинг учун мен санъатнинг бу туридан умрбод миннатдорман. Ўзимдаги инсоний хислатларнинг барчаси театр туфайли, десам сира янглишмайман. Чунки ўйнаган ролимиз хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, актёрни у бир хулосага олиб келади, ҳаётнинг оқ ва қора рангларини кўришга, дунёқарашини ўстиришга, фикрини ўзгартириш ёки ривожлантиришга имкон яратади. Ёш актёр ўз ижодининг биринчи ўн йиллигида театрни ўзига хос назар билан кўради, кейинги ўн йилликда у анча-мунча шаклланади, учинчи ва ундан кейинги ўн йилликлар даврида эл назарига тушган, маълум ва машҳур шахсга айланади. Бизнинг соҳадаги ижодкорларни, одатда, театрдан ташқари, телевидение, кино, радио ҳам маҳорат чўққисига олиб чиқади. Жамиятда, одамлар билан муносабатга киришишда санъатнинг бу тармоқлари катта ёрдам беради, деган ҳаққоний хулосага келдим. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да...

— Шахс тарбиясига йўналтирилган воситалар кўп: санъат, адабиёт, спорт. Булар орасида театр алоҳида ўрин тутади. Театрга томошабин учун хизмат қилиши, маълум мақсадларни унга етказиши нуқтаи назаридан қарайлик-да, улар орасида кўзга кўринмас риштa борлигига тан берайлик. Сизнинг-ча, бу қандай риштa?

— Санъатнинг қайси соҳасига назар ташламайлик, у кишилик жамияти билан ҳамиша биргадир, том маънода айтадиган бўлсак, санъат инсон учун хизмат қилади. Одам орзу билан яшайди, шунга интилади, ўз ҳаётига мазмун олиб киргиси келади. Санъаткор ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилиш жараёнида образлар яратади. Ана шу образларни кўрганда, ҳар бир томошабин қандайдир таассурот олиши керак. Томошабин, дейлик, кинога ёки театрга тушса, ўзини аввалдан қийнаб, ўйлантириб юрган саволларга жавоб топиб қайтиши лозим. Ҳаёт киши учун берилган буюк неъмат эканлигини ва мазмунли умр кечириш кераклигини у тушуниб етсин. Ҳиндистонни биласиз, ҳаёт оғир бўлишига қарамай халқи ниҳоятда санъатсевар. Бу мамлакат кино ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Икки қисмли ҳинд кинофильмлари, аввало, маҳаллий аҳолига қўйиб берилар ва шу пайтда киносаройлар томошабинга лиқ тўлар экан. Атиги икки соатни ҳинд халқи сира қизғанмай, ўз орзу-хаёллари учун сарфлайди. Чунки ҳинд киноларида севги-муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кескин кураш очиқча намойиш қилинади.

Томошабин кинозалларга, кўргазмаларга, театр биносига ёхуд галереяларга киргач, ундан салбий томонга эмас, ижобий томонга ўзгариб чиқиб кетиши керак. Асар хоҳ кино, хоҳ саҳна кўринишида бўлсин, мухлисларга маънавий озуқа беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Сиз айтаётган риштa, менимча шу. Ўз навбатида яратган образи орқали санъаткор ҳам ўсиб, ўзгариб ва дунёқараши кенгайиб бораверади.

— Қайсидир йиллари телеэкранда муаллим образини яратган эдингиз. Янглишмасам, режиссёр Мираббос Мирзаахмедов саҳналаштирган бу телеасар томошабинларнинг хотирасида ҳамон сақланиб келади.

— "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатуви орқали экранга олиб чиқилган бу асар сценарийси билан танишиб чиқиш топширилганда ва менга бош роль беришларини айтишганда, тўғриси, қувониб кетганман. Ўқитувчи образи қалбан негадир менга жуда яқин туюлади. Мактаб, лицей, коллежларга таклиф қилиб туришади ва бундай учрашувларда ўқитувчи бўлиб ишлаётган хокисор, камтарин, ҳалол, заҳматкаш кишиларга дуч келаман. Улар борига қаноат қиладиган, ўз меҳнатининг мевасини кўрганда ғурурланадиган зотлардир. Инсоният қандайки яхши хислатларни тўплаган бўлса, шуларнинг барчасини ўқитувчи ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам бу касб эгаларига ҳаммамиз таъзим ва қуллуқ қиламиз.

Юқорида айтганим — телевизион видеофильмда ўқитувчи образи умумий тарзда гавдалантирилган. Маоши камлигидан ўқитувчининг уйида кунига жанжал, у хотиндан ҳам "ёлчиган", ҳаттоки қизининг "Менга ҳали ота бўлиб нима қилиб қўйдингиз?", деган иддаоси муаллимни руҳан ер билан яксон қилади. Мен образ устида ишлар эканман, ўқитувчини ўша касб эгаси сифатида эмас, балки уни ҳақиқий зиёли сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган эдим. Асарда мактаб ва ўқитувчи хонадонидаги вазиятлар чиройли талқин қилиб берилган. Қандай шароит бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи мураккаб, зиддиятли вазиятлардан ҳақиқий зиёли сифатида чиқиб кетади. У нафақат мактабда, балки кўни-қўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар билан муносабатда ҳам ўзининг тушунган, оқил ва бамаъни киши эканлигини кўрсата олган. Асар нафақат муаллимларимизга, балки турли касбдаги бошқа мухлисларга ҳам ёққан, деб ўйлайман.

— Ҳаётда баъзан шундай ҳолат кузатилади: ота-она зиёли, яхши лавозимларда хизмат қилишган, фарзанд эса, улар орзу қилган даражада бўлиб чиқмайди. Яна айрим ота-оналар борки, оддий, жайдари тилда айтсак, "ўқимаган", деҳқон ёки чўпон. Фарзандлари эса, юксак мартабага эришишади. Сиз бу муқоясага қандай муносабат билдирасиз?

— Тарбия жуда кўҳна ва доимий мавзудир. Башарият ер юзида пайдо бўлибдики, тарбия билан қизиқади, унинг турли хил усулларини қўллайди, бу йўлда изланади, қанчадан-қанча илмий тадқиқотлар олиб боради. Фикрингиз тўғри, барча шароитлари муҳайё оила билан қўли калтароқ оилалар орасидаги тафовут тарбия борасида ҳам аниқравшан сезилади. Моддий имконияти етарли оилада ўсаётган болаларнинг айримлари номақбул йўлларга кириб кетишади, бу — ҳаётда бор гап. Чунки у ҳамма нарсага эга бўлгач, кўнгли бошқа нарсаларни тусай бошлайди. Агар шундай вазиятда ота-она уни кичкиналигидаёқ тўғри йўлдан бошлаб назорат қилиб бормаса, унинг ахлоқи, юриш-туришида кишининг нафратини қўзғайдиган иллатлар ривожланиб боради. Энди етишмовчилик бўлиб турган оилаларда фарзандлар ўзида йўқ нарсаларга эга бўлиш орзуси билан яшайдилар. Ҳар қандай оилада ҳам фарзандниг қайси йўлдан кетиши, ким бўлиб етишиши, менимча, ота-онанинг тутган йўл-йўриғига, тажрибасига, ўлчовларига боғлиқ бўлса керак. Ҳарқалай педагогикага яқинлигим бўлмаса ҳам, ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, шу фикрга таянаман. Бой-бадавлат хонадонда ўсаётган фарзанд моддий бойлик қаердан, қандай йўл билан келаётганини тушуниб етмайди, фожеанинг илдизини шундан излаш керак. Ҳар бир ота-она бир бурда нон қандай қилиб топилишини, фақат ҳалол меҳнат орқалигина кишининг умри мазмунли ва осуда кечишини боласига тушунтириши, уқтириб бориши лозим.

— Актёрнинг қувваи ҳофизаси кучли бўлиши керак. Ундан нафақат матнни ёддан билиш, айни пайтда образни маромига етказиб ижро этиш ҳам талаб қилинади. Образлар дунёсида юрган актёр матнларни бир-бирига аралаштириб ёки янглиштириб юбориши ҳам мумкинми? Умуман, сизда образларга тегишли матнларни ёдлаш жараёни қандай кечади?

— Бу саволни учрашувларда ҳам кўп бора беришади, шу боис табиий қабул қиламиз. Актёр турли касб эгалари ролини ўйнайди, демак, унинг интеллект даражаси жуда юқори бўлиши керак. Ҳаётни ўрганиши, кузатиши, ҳар бир соҳани чуқур билмаса ҳам тушуниши ёки унча-мунча бундан хабардор бўлиши шарт. У томошабиннинг кўз олдида шифокор, ёзувчи ёки қаландар ролини ўйнаганда, ясама ёки нотабиий чиқмаслиги учун ўша касб эгасига хос хислатларни ўзида мужассамлантира олсин. Матнни ёдлаш эса, ишимизнинг техник томони. Диалог — бу савол, унинг кетидан жавоб келади, фикр-фикрга уланади. Матн ёдлашда бизга муаммо йўқ, чунки ҳаммаси ҳаётда эшитиб ёки дуч келиб юрган гаплар бўлади.

— Матн баъзан насрий, баъзан назмий кўринишда бўлиши мумкин. Улар актёр гарданига вазифа юклаши билан фарқланадими?

— Албатта, насрдан кўра шеърий усулда ёдлаш қийинроқ. Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" асарини ёки бўлмаса Алишер Навоий ғазалларининг тилини олайлик. "Навоий ва Гули" асарини саҳналаштираётганимизда, бош рол — Навоий образини яратар эканман, назмнинг юки насрий матнга қараганда жуда катта эканлигига амин бўлганман. Булардан ҳам қийинроқ опера жанри бор, мусиқали драма жанри бор, қайси бўлишидан қатъи назар, актёр матнни маромида, образининг ички дунёсига мос қилиб ёдламаса, мухлисга ҳеч нарса бера олмайди.

— Биз қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, аввало, инсонмиз. Кўпинча кишилар яхши ёки ёмон тоифага ажратилади. Сиз яхши тоифадаги инсонларнинг қайси хислатларини қадрлайсиз?

— Одамларнинг турличалиги мени ҳам таажжубга солади. Улар фикрлаши, яшаш тарзи, юриш-туриши билан бир-биридан ажралиб туради. Назаримда, яхшиликка интилувчи кишилар кўпроқ. Ёмонликни ўзига касб қилиб олиб, онгли равишда, билиб туриб ўз яқинларига ёки кимларгадир турли найранглар қиладиган кимсалар бор, буларни инсон деб аташ мумкинми? Ҳар куни уйдан чиқиб кетарканман, оиламга ҳалол ризқ-насиба келтирармиканман, бировнинг дилини оғритиб қўймасмиканман, деган фикр миямда акс садо беради. Яхши ниятли кишиларнинг ҳаммаси ҳам шундай қилишса керак.

— Ҳар бир киши учун энг катта паноҳ оиладир. "Уйда тинчи бўлсин йигитнинг", дея назм битишади шоирларимиз. Рафиқангиз, болаларингиз, умуман, ўз оилавий анъаналарингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ишхонада, кўча-кўйда юриб турли ташвишдаги кишиларга дуч келмай иложинг йўқ. Оилавий муҳит мен учун ҳам азиз, қадрли. Рафиқам, фарзандларим мушкул вазиятларда менга ҳамиша кўмаклашишган, ҳеч бўлмаганда далда беришган. Ишхонамда ёки кўча-кўйда қандайдир зарбага учрасам, менинг бахтим, тахтим — оилам борлиги дарров хотирамга келиб, гирдобдан чиқиб кетаман. Рафиқам Саидахон кимёгар, ўғлимиз Отабек темир йўл соҳасида хизмат қилади, қизимиз ҳали ўқувчи. Невараларимиз бор.

— Юқорида муаллимлар ҳақида илиқ гап айтдингиз. Ўз устозларингизни ҳам эслаб турасизми?

— Албатта, эсламай бўларканми? Тошкентдаги Маннон Уйғур номидаги мактабнинг собиқ ўқувчисиман. Биринчи ўқитувчим Ҳалима опа деган аёл эди. Мурғак қалб эгаларига бу муаллима худди ўз полапонларига меҳрибонлик кўрсатаётган мусича ёки қалдирғочдай муомала қиларди. Клара опа, Муҳаббат опа деган муаллима аёллар ҳам хотирамда аниқ-тиниқ қолган. Ҳокимжон Ҳошимовни — у киши ҳозир ҳам ҳаёт — пир сифатида қабул қилганмиз. Устозларимизнинг дунёдан ўтганларини Худо раҳмат қилсин, қолганларини саломат қилсин. Кишини ота-она дунёга келтирса, устоз уни тўғри йўлга солиб, чинакам шахс даражасига етказар экан. Мен муаллимларимизга ҳар бир кишининг таъзим қилишини истайман.

— Актёрлик билан ўқитувчилик орасида битта ўхшаш жиҳат бор; иккала касб эгаси ҳам шахс тарбияси учун қайғуради. Шу маънода ўз ҳамкасбларингизга дил тўридаги тилакларингиз.

— Ўқитувчилик барча замонларда ҳам бирдек керакли касб ҳисобланган. Уларнинг эзгу ниятлари вожиб бўлсин. Аввало, ўз хонадонида ўсиб-улғаяётган фарзандлари, қолаверса, ўқитган, тарбиялаган, комилликка етказган ўқувчилари ҳам соғ-омон юрсинлар. Бу эса, ўқитувчининг Яратгандан сўрайдиган доимий тилагидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

СПОРТ — КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Комил инсон тарбияси — эл орзуси. Зеро, баркамол авлодгина эл-юртнинг келажак умидини рўёбга чиқаради. Спорт — камолот йўли. Халқимизнинг доно ҳикмати бор: Соғлом танда — соғ ақл. Дарвоқе, баркамол инсон нафақат маънавий етук, балки жисмонан ҳам соғлом, руҳан тетик бўлмоғи лозим. Шу маънода юртимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётган бир паллада бежизга спортнинг ёшлар ўртасида оммавийлашувига бу қадар муҳим аҳамият қаратилмаяпти. Биргина ўзига хос узвийлик касб этган таълим тизимида янада мустаҳкам занжир ҳосил қилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг доимий ўтказилиб келинаётганлигининг ўзиёқ эл орзусининг мақсади нечоғлик улуғвор эканлигини кўриш мумкин. Жорий йилда қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент фармони ва у асосда қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан беш йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг айнан бири сифатида Болалар спортини ривожлантириш этиб белгиланиши замирида ҳам айни ўша мақсад-муддао ётганлиги сир эмас.

Биласиз, ёш бола дастлаб боғчада ўз мураббийси, сўнгра эса, мактабга боргач, ўқитувчиси ортидан эргашади. Бу бежиз эмас. Зотан, ўқитувчи-мураббий ўқувчи наздида энг меҳрибон, энг билимдон, шу билан бирга энг кучли инсондир. Ўқитувчининг халқимиз томонидан комил инсон сифатида тан олиниши моҳиятида ҳам аслида ана шу қараш ётади.

Хўш, савол туғилади: бугунги устозлар, айниқса, халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимлар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиш билан бирга спортга нақадар эътиборли. Нафақат эътиборли балки спорт билан қанчалик ошно?

Ушбу саволларга А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг спорт залида стол тенниси бўйича «Ma’rifat» газетаси совриниучун ўтказилган спорт мусобақасида жавоб топгандек бўлдик. Мазкур мусобақа Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад — соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бунда халқ таълими ходимларининг нафақат ёшлар, балки бутун жамиятга ўрнак бўлишига чорлашдир.

УСТОЗ ИБРАТИ — ЎҚУВЧИГА САБОҚ

Спорт байрами барча иштирокчиларнинг қалбини фахр ва ифтихорга тўлдирган ҳолда уларни бунёдкорлик, ёркин истиқболга даъват этиб янграган давлатимиз мадҳияси садолари остида юрт байроғининг кўтарилиши билан бошланди.

Шундай қилиб мусобақаларга старт берилди. Ҳар бир иштирокчи ўз гуруҳини билиб олгач, гуруҳ баҳслари бошланди.

ТАРАДДУД

Мамлакатимиз таълим муассасаларида биринчи соатга чорловчи қўнғироқ чалинар маҳалида Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти ҳовлиси ҳамда спорт залида халқ таълими муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари мусобақага тайёргарликни бошлаб юборишди. Бу жараёнда кимнингдир ўн-ўн беш дақиқа оралиғида ўйинга «кўли» келиб қолган бўлса, яна кимнингдир ҳаракатларидан стол тенниси ракеткасини биринчи бор қўлга олаётгани сезилиб турарди. Ўйинга жиддий тараддуд кўришни истаган ва бунинг учун ўзига мос рақиб кидираётган иштирокчилар бир-бирининг ҳаракатларини обдон кузатгач, ўзаро ўртоқлик ўйинини ҳам бошлаб юборди. Тайёргарлик машғулотларини кузатар эканмиз, яна бир бор амин бўлдикки, спорт нафақат жисмонан чиниктиради, у инсонларни бирдамликка ҳам чорлайди.

ТАФСИЛОТ

Мусобақа бошланганига ҳам ярим соатлар бўлди. Спорт ҳалолликни ёктиради. Шу боис, мусобақага келмаган ва кела олмаган иштирокчиларга мағлубият ёзилди. Келганлар эса завқу шавқ ва иштиёқ билан ўйнадилар. Ўйинлар давом этаверди. Ғолибу мағлублар аниқланаверди. Саралар саралanaётган паллаларда иштирокчилардан таассуротларини сўраймиз.

ТААССУРОТ

"Стол теннисининг фойдаси шундаки, у орқали киши ҳаракати чаққонлашади, кўз нури равшанлашади". Бу — мусобақа ҳаками, спорт фахрийси, Шайхонтоҳур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Иброҳим Иномжоновнинг фикри.

Навоий давлат педагогика институти ректори Холбой Ибрагимовнинг бу борадаги мулоҳазаси шундай:

— Асосан волейбол ва футболга қизиқсам-да, стол тенниси ҳам ўйнаб тураман. Бугунги мусобақа бу спорт турига бўлган қизиқишимни янада оширди.

— Мен ғолибликка қизиқаман. Ушбу мусобақа мени яна бир спорт тури билан ошно этганидан мамнунман, — дейди республика илмий-педагогика кутубхонаси директори Доно Ғаниева.

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Маҳмуд Бобоёров эса асли курашга мойиллиги борлигини, стол тенниси ҳам курашдаги сингари абжирлик ва чаққонликни талаб қилишини таъкидлади.

ХТВ қошидаги марказлаштирилган ҳисобхона бош ҳисобчиси Муҳтарам Муҳиддинова ҳамда республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб-интернат директори Машкура Каримова ҳам спорт билан шуғулланган одам доимо тетик бўлишини, бугунги мусобақа ана шу жиҳати билан аҳамиятли эканини билдирдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Бегдулла Султонов олти ёшидан буён спорт билан шуғулланишини, шу боис бугунги баҳсларда унчалик қийналмагани, лекин рақиби ўзидан-да чаққон чиққанини айтган бўлса, Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Пўлат Ўрозов мусобақанинг аҳамиятини ўзгача талқин этди: «Ушбу мусобақанинг ташкиллаштирилиши мамлакатимиз Раҳбарининг 2004 йил 19 февралдаги «2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишининг 5-йўналишини бажариш борасидаги қадамлардан биридир. Зеро, мазкур баҳсларда қатнашган ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва спорт базасини мустаҳкамлашга янада бел боғлаб киришади».

— Спорт — халқларни, элларни жипслаштирувчи, бир мақсад йўлида яқдил қилувчи куч, — дейди биз билан суҳбатда Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдулла Очилов. — Шу жиҳатдан олганда, «Ma’rifat» газетаси соврини учун ўтказилган ушбу мусобақа соҳа хо-



Юрт мадҳияси устозлар — мусобақа қатнашчилари томонидан жонли ижро этилди.



Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев ҳам стол тенниси борасидаги маҳорати билан ишқибозлар олқишига сазовор бўлди.



Республика ўқувчи-ёшлар маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комилжон Йўлдошев ўтказилган ушбу мусобақада нафақат халқ таълими раҳбари ва хушовоз хонанда, балки бинойидек спортчи эканлигини ҳам намоён этди.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги А.Бегбоев "Ma’rifat" газетасининг 2005 йил учун обуна жараёнларини самарали ташкил этаётган "Энг яхши обуна уюштирувчи" номинациясига эга бўлди.

УСТОЗ — КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

у нафақат маънавий, балки жисмонан ҳам етук шахсдир

Халқ таълими вазири ўринбосари — Болалар спорти жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов ҳар йил бўлиб ўтадиган бу мусобақа ғолибига жамғарма томонидан таъсис этилган кўчма кубокни топширар экан, агар уч йил ғолиблик қўлда сақланса, у ғолибники бўлишини таъкидлади.



Муросасиз беллашувларнинг гуруҳ баҳсларида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Икромов ҳам стол теннисини яхши ўйнашини намойиш эта олди.

Қорақалпоғистонда ҳам спорт ва ... буотга ... да эътибор қаратиларкан. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазири Б.Султонов ҳам газетанинг "Энг яхши обуна уюштирувчи" номинациясиғолиби бўлди.

Спорт — гўзаллик. Гўзал аёлларнинг иштироки турнирнинг яна ҳам ўзига хослигини таъминлади.

димларини янада яқинлаштирди, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, мусобақа мобайнида тизим ислоҳотига доир айрим масалалар юзасидан фикрлашдик, келгуси режаларни ҳам белгиладик. Бу мусобақа ўз ўрнида таҳририят ходимларининг кейинги фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, спорт байрами доирасида вазирлик тасарруфидаги газета ва журналларнинг жойларда ўтказилган «Матбуот кунлари» тадбирларининг якуний хулосалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилди.

«Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқов мазкур баҳсларнинг ташкиллаштирилишини шундай изоҳлади:

— «Ma’rifat» педагогик нашрлар орасида етакчидир. Бунга мамлакат миқёсида ўтказилган «Матбуот кунлари»да бўлганимизда амин бўлдик. Газета жамоаси «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълимга оид давлат ҳужжатлари ижросини амалга оширишда ҳам меҳнат қилаяпти. Жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спорт узлуксиз таълимнинг асосий бўғинларидан бирига айланаётгани сўнги учрашувлар натижасига кўра, биринчи ўринни Қўқон давлат педагогика институти ректори Иброҳим Каримов эгаллади. «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раҳбари Муҳаммаджон Тошматов бу борада иккинчи бўлди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бўлим бошлиғига учинчи ўрин насиб этди.

Шунингдек, иштирокчилар бир неча номинациялар бўйича ҳам тақдирланишди:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг **«Энг фаол аёл ўйинчи»** учун махсус совриниГ.Субқонова(ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси директори)га насиб этди.

Спортга энг садоқатли иштирокчи — М.Қўшмоқов(«Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири).

Ғалабага бўлган иштиёқи учун Б.Ағзамов(Республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактаби раҳбари).

Энг нафис ўйин соҳиби — Д.Ғаниева(Республика илмий-педагогика кутубхонаси директори).

Энг фидойи ташкилотчи — Ж.Йўлдошев(А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори).

Энг ёш иштирокчи — Д.Раҳматуллаев(Андижон вилоят ХТБ бошлиғи).

«Ma’rifat» газетасининг 2005 йилги обунасини ўз ҳудудларида ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатгани учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири Б.Султонов, Жиззах вилоят ХТБ бошлиги А.Бегбоев, Навоий вилоят ХТБ бошлиги Х.Якубаевга тахририятнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Барча ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилгач, мусобақада зафар қучганлар дил сўзларини изҳор этдилар.

Мусобақа якунланди. Энди бу каби баҳслар республика таълим муассасалари раҳбарлари кўнглида спортга бўлган иштиёқнинг ошиши билан ҳудудларда ташкил этилса, бундан барчамиз ютамиз.

Дарвоқе, сўнгсўз ўрнида: мусобақа иштирокчиларининг аксарияти аслида бошқа спорт турига қизиқишини билдирган эди. Демак, ушбу тадбир яна бир спорт турининг оммалашувига сабаб бўлиши мумкин. Ҳар қандай спорт турининг оммалашуви эса фақат фойдалидир.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Шерали НИШОНОВ,
«Ma’rifat» мухбирлари

Суратларда: мусобақа жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан таъсис этилган мусобақанинг «Энг фаол теннисчи аёл» наминациясига фақатгина Республика ижтимоий йўналишдаги гимназияси директори Г.Субқоновага насиб этиши ўйиннинг илк дақиқалариданоқ сезилганди. Зеро, ушбу раҳбар ҳақиқатдан жуда фаол.



Гуруҳ баҳсларида мусобақа ғолибига муносиб қаршилик кўрсатган Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов 4-ўрин соҳиби бўлди.

Финал. Бош ҳакам: — Ҳисоб 20:20!
Бу ҳисоб финал ўйинининг нақадар қизғин ўтганидан далолат эмасми?

Теннисда тезлик муваффақият омили, деган фикрга «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раиси Муҳаммадали Тошматовнинг ўйинларини кузатгач, ҳар бир теннис ихлосманди иқрор бўлиши табиий. Ҳақиқатдан ҳам тезлик ўйинчига 2-ўринни туҳфа этди.

Мусобақа ғолиби — Қўқон Давлат педагогика институти ректори Иброҳимжон Каримов бош совриН — Испанияда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо теннис столини Халқ таълими вазирлигининг янги биносида қолдиришини изҳор этди.

Zero, taraqqiyotning umumiy ko‘lamida har bir xalqning o‘rni o‘sha xalq o‘qiyotgan kitoblarning soni bilan belgilanadi.

ШАХС ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Олий таълим даргоҳлари таълим йўналишларига қараб факультетларга бўлинади. Факультет бошқарувчиси эса, декандир. Бу лавозим эгаси, аввало, ўз таълим йўналишини мукаммал билиши, жамоа — талабалар, кафедра мудирлари билан тил топиша олиши, кадр тайёрлашдаги катта-кичик муаммоларни кўра билиши, уларни имкон даражасида ҳал қилишга киришиши керак. Тошкент молия институтида шундай деканлардан бири сифатида Акром Каримовни эътироф этишади. Ҳисоб-иқтисод факультетида амалга оширилаётган ишлар хусусида у киши билан қилинган қуйидаги суҳбатни ҳавола этамиз.

— Жамият маънавиятини юксалтириш учун истеъдодли ёшлар таълим-тарбиясига қандай қарайсиз?

— Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, маданий-маънавий юксалиши кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим-тарбиясига боғлиқ. Жамиятда истеъдод эгаларига, қобилиятли ва уқувли шахсларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топтириш учун етарли шароит таъминлаб берилиши керак. Ривожланган давлатларда истеъдод эгаларига миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги, деб қаралади. Бу вазифани амалга ошириш бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим босқичлари сифатли олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир таълим босқичи ўзининг аҳамияти жиҳатидан «таълим занжири»нинг муҳим жараёнини ўтаб бориши билан тавсифланади. Бу жараён тарихан олиб қарайдиган бўлсак, кўп давлатларда амалиётга татбиқ этилган.

— Юқорида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хусусида тўхталиб ўтдингиз. Сизнинг фикрингизча, ушбу дастур ёшларга таълим-тарбия беришда, уларни ҳаётга тайёрлашда қандай роль ўйнайди?

— Ҳар бир мамлакатда таълим-тарбия ўша мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитидан келиб чиқиб тузилган ва муайян тизимга асосланган дастур асосида амалга оширилади. Шу жумладан, Ўзбекистонда Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дунё миқёсида эътироф этилди.

Ушбу дастурни амалга ошириш уч босқичга бўлинган бўлиб, ҳозирда унинг сифат босқичи давом этмоқда. Дастурнинг бош мақсади ҳар томонлама комил шахсни яратишдир. Умуман олганда, белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахсни — инсонни шакллантириш ва шу тариқа онгли жамиятнинг барпо этилишини таъминлайди. Баркамол инсоннинг шаклланиши эса, бевосита узлуксиз таълим жараёнида амалга ошади. Миллий дастурда белгиланган энг асосий вазифалардан бири шу экан, билимдон ва юксак даражали интеллектуал авлодни вужудга келтиришдан ҳеч биримиз четда эмасмиз.

Milliy dastur — amalda!

— Сиз бошқараётган факультетда Миллий дастур ижроси қандай амалга оширилмоқда?

— Республикамиз кадрлар сиёсатида амалга оширилаётган ислоҳотлар Тошкент Молия институтида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Дарвоқе, институтимиз мустақиллик билан тенгдош бўлиб, бу йил ташкил этилганига 13 йил тўлди. Банк иши, молия, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар, инвестицион лойиҳалар, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва шу каби иқтисодий соҳадаги мутахассисларни етиштириб бермоқдамиз. Кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли узлуксиз тизимини таъминловчи модел ишлаб чиқилиб, у ўз ичига молия, солиқ лицейлари, банк коллежи, бакалавриатура, магистратура, малака ошириш факультети, аспирантура ва докторантурани қамраб олган.

Ҳисоб-иқтисод факультетида бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишидаги бакалаврлар тайёрланади. Факультет нафақат институтда, балки республика миқёсида ҳам ўз нуфузига эга. Талабаларнинг билим савияларини ошириш мақсадида ўқув-услубий материаллар, дарслик, ўқув қўлланмалар, инновацион технологиялар яратилмоқда. Компьютерлар билан жиҳозланган аудитория ва лингафон ҳоналари мавжуд. Иқтидорли талабалар таълимига чуқурлаштирилган дастур асосида ёндашилади.

— Сиз юқорида ўқув-услубий қўлланмалар, дарслик ҳақида сўз юритдингиз. Факультет талабалари ўз мутахассисликларига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари билан яхши таъминланганми?

— Донишмандларнинг айтишича, китоб — билим булоғи ҳисобланади. Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. Зеро, тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Кейинги йилларда республикамизда иқтисодий соҳага оид бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Маълумки, дарслик ва бошқа ўқув-услубий қўлланмалар давлат таълим стандартлари талабларига тўла мос келиши керак. Дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, аввало, китобхон учун тушунарли ҳамда равон тилда ёзилиб, энг асосийси, замон билан ҳамнафас бўла олсин.

Институтимиз олимлари томонидан банк иши, молия, солиқ, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил фанлари бўйича ўзбек тилида бир қанча дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Хориждан иқтисодий масалаларга оид бир қанча адабиётлар келтириляпти. Ўқув адабиётлари талабаларнинг замонавий рухда билим олиши, глобаллашув жараёнида уларнинг маънавий дунёқарашлари ошишида муҳим аҳамият касб этади.

— Конституциямиз қабул қилинганининг 12 йиллиги арафасида ёшларга, ҳамкасбларингизга тилакларингиз.

— Ёшларга тилагим, катта авлоддаги тажрибаларни қабул қилиб олиб, буни ҳар жиҳатдан ривожлантиришсин. Биз илм аҳли эса, уларнинг комилликка эришишлари, билимдон ва салоҳиятли фарзандлар бўлиб камолга етишишлари учун қўлимиздан келган хизматимизни аямаймиз. Зеро, юксак маърифатли, ҳар қандай қийинчиликни енгишга қодир авлодгина Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишда иштирок эта олади.

М.АҲМЕДОВА суҳбатлашди.

Teran tomirlar

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА КУТУБХОНАЛАР

XIV асрнинг иккинчи ярми — XV аср бошларида Мовароуннаҳрда меъморчилик ва амалий санъат кенг ривож топди. Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган Самарқанд улкан шаҳарга айланди, бу ерда кўплаб саройлар, мачитлар, мадрасалар, мақбаралар, бошқа жамоат иншоотлари барпо этилди.

Мамлакатда тиббиёт соҳасидаги билимлар, астрономия, математика, тарих, адабиёт ва бошқа фанлар қадр топди, бу эса қўлёзма фондлар, саройлар ва мадрасалар ҳузурида кутубхоналарнинг ташкил этилиши ҳамда хусусий кутубхоналарнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Амир Темур ҳукмронлик қилган йилларда (1370-1405) қўлёзмаларни сақлаш ва кутубхоналар ташкил этиш юзасидан катта ғамхўрлик қилинди.

Ўша даврларда мамлакат пойтахти Самарқанддаги сарой кутубхонаси айниқса машҳур бўлиб кетди. Бу ерда юнон, лотин, сурия, арман, форс ва бошқа тиллардаги энг нодир қўлёзмалар сақланарди. Бу қўлёзмалардан кўплари Амир Темур забт этган мамлакатлардан келтирилган эди. Мисол учун, Туркиянинг Бурса шаҳридаги машҳур кутубхонадан Самарқандга кўпгина қимматли ва нодир қўлёзмалар келтирилган.

Маълумки, кўплаб олимлар Темур пойтахтига бу ердаги кутубхонада ишлаш учун келганлар. Улардан бири математик Қозизода Румий — Улуғбекнинг ва Аловуддин Али ибн Муҳаммад (Али Қушчи)нинг устози бўлган. У Самарқандга Бурсадан келган аллома эди.

Амир Темурнинг арман кутубхоналаридан китоблар олиб кетгани тўғрисида арман тарихчиси Михаил Чамьчян қуйидагиларни маълум қилади: "У барча арман ва форс китобларини улгурганича тўплаб, уларни Самарқандга юборган, у ерда битта минорада жойлаштирган: минорадан олиб чиқиб кетишни тақиқлаб қўйган, китобларни ўқимоқчи бўлганларга минорада қисқа вақт шуғулланишга рухсат этилган».

Соҳибқирон ўзининг 35 йиллик султонлик йилларининг аксариятини ҳарбий юришларда ўтказди. Қайси мамлакатга қадам қўймасин, у ерда ўзидан бир "бинойи хайр" — жамоат биноси қолдирган. Айниқса, ота юрти Шаҳрисабз, пойтахт Самарқанднинг ободлиги учун кўп иш қилди. Ҳазрат Алишер Навоий ул зоти шарифни бекорга "Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони" (Подшоҳлар шажарасининг бўстони ва салотин гавҳарларининг денгизи) деб таъриф ва тавсиф қилмаган.

Швед санъатшуноси Артур Поуп: "Оврупо ҳамон уйқуда чоғида ислом донишию ҳунари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулғаган эди" деганда Амир Темур даври фани ва маданиятини назарда тутганди. Швед санъатшуноси Ф.Р.Мартин Амир Темур даврига оид тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъатини Осиёнинг эмас, балки бутун жаҳон санъатининг катта ютуғидир, Темурийлар сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Марказий Осиёда бошқа бўлмаган, деган хулосага келади.

Тарихий маълумотларга таяниб хулоса чиқариладиган бўлса, Амир Темурнинг Самарқанддаги сарой кутубхонаси фақат китоб сақланадиган омбор бўлибгина қолмай, у ерга баъзан китобхонларни ҳам қўйишган. Бироқ, айтиш мумкинки, сақловчилар қўлёзмаларни юксак даражада қадрлаганлар ва чамаси уларга тўғри муносабатда бўлишни билганлар. Кутубхона учун махсус бино қурилганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ерда китоблардан иборат бойликлар худди XI-XII асрлардаги машҳур кутубхоналар сингари фанлар бўйича жойлаштирилиб, махсус сандиқларда сақланган. Шак-шубҳа йўққи барча китоблар фақат ҳисобга олиш учун эмас, балки яхшироқ фойдаланиш учун ҳам шундай қилинган.

Публицист Д.Н.Лагофетнинг ёзишича, Амир Темур ҳукмронлик қилган дастлабки йилларда кутубхона Шаҳрисабзда бўлган, кейин Самарқандга кўчирилган. Сўнгра Лагофет Клавихо ва бухоролик тарихчи Камолиддин Абдураззоқнинг фикрларига таяниб, Самарқанддаги катта кутубхона 1448 йилги қўзғолон вақтида анча шикаст кўрганлигини маълум қилади.

Айтиш мумкинки, Темурнинг бутун кутубхонасидан бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган қўлёзмалардан бири бу — халифа Усмон Қуръонидир. У пергамент қоғозига куфий ёзувида кўчирилган. Халифа Усмоннинг Қуръони чор Россияси Марказий Осиёни босиб олгандан кейин Самарқандннинг Хўжа Аҳрор мачитида сақланган. Бу кутубхонанинг қолган барча китоблари мамлакатдаги ўзаро қонли урушлар вақтида нобуд бўлган эди. 1876 йилда Кауфман Қуръонни Петербургдаги император халқ кутубхонасига топширади. Шўро ҳукуматининг дастлабки йилларида Марказий Осиё мусулмонларининг илтимоси билан Усмон Қуръони Тошкентда сақлаш учун қайтариб келтирилади.

Кутубхоналарнинг шундан кейин янада ривожланиши Амир Темурнинг меросхўрлари, хусусан, набиралари даврида янада кенг тус олди. Шу нарса маълумки, Улуғбекнинг мулкларида, хусусан, Самарқандда маданий юксалиш сезиларли даражада бўлган. Кутубхоналар ва хусусий шахсларнинг китоб жавонлари билимларнинг турли соҳалари бўйича китоблар билан тўлдирилиб борилган. Айниқса, Улуғбекнинг Самарқанддаги машҳур расадхонасидаги кутубхона ажойиб бўлиб, у 1428-1429 йилларда ташкил этилган.

Шоҳрух (1409-1447) саройида жуда катта кутубхона ташкил этилган бўлиб, у ерда қўлёзма китоблар устахонаси ҳам бор эди. Кутубхонада китобларга ишлов беришдан ташқари қўлёзма китобларнинг матнини ўрганиш ва бадиий жиҳатдан безаш ишлари ҳам бажарилган. Ҳирот тасвирий санъат мактаби номи билан шуҳрат қозонган улкан нафосат ижодхонаси Шоҳрух Мирзо замонида ташкил топди. Темурий Бойсунғур Мирзонинг бу ишда хизмати каттадир. Бойсунғур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этди. Унда хушнафаси хаттот Мавлоно Жаъфар Табризий раислигида қирқ нафар етук ҳунарвар китобат билан машғул бўлган.

Турли фан арбобларига ҳомийлик қилган Бойсунғур Мирзо ўз замонасининг етук хаттоти ҳам эди. У Боғи Сафед чорбоғида жойлашган қасрида доимо шоир, тарихнавис, мусаввир ва файласуфларни тўплаб мажлис ва суҳбатлар ўтказарди. Бойсунғур Мирзо кутубхонасини йирик нафис санъат академияси деса ҳам бўлади. Унинг китобхонасида нодир қўлёзмалар тўпланиб, кўчирилиб китоб ҳолига келтирилар эди. Бойсунғур бошлиқ ҳунар эгалари Фирдавсий "Шоҳнома"сининг турли қўлёзма нусхаларини тўплаб, биринчи бор тўлиқ ва мукаммал нусхада кўчирдилар. Замондошларининг ҳикоя қилишича, Бойсунғур Мирзо отаси учун ҳуснихат билан сўғд ёзувида бўйи икки ярим метр келадиган бир Қуръон битади. Шоҳрух унинг туҳфасига Хуросон ўлкасининг бир йиллик хирожини бахш этади.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, Самарқанд, Ҳирот, Бухоро сингари Ўрта Осиё шаҳарларида илм-фан ва санъат янада тараққий этди ва мазмунан камолот даражасига етдики, бу давр Алишер Навоий ва Беҳзод номи билан боғлиқдир.

Мавлоно Беҳзод олдин Алишер Навоий китобхонасида ишлади. Мазкур даврда у ўз касбидаги санъаткорлардан ҳам маҳорат, ҳам ғоявий йўналиш ва услубда анча илгарилаб кетди.

Қоҳирадаги Миср Миллий кутубхонасида сақланаётган Саъдийнинг "Бўстон" асарининг бошқа бир нусхасидаги Беҳзод қаламига мансуб тасвирлар унинг ижодий камолоти ва такрорланмас даҳосининг ёрқин далилидир. Мазкур асар Султон Ҳусайн Бойқаро учун Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Европалик санъатшунос олимлар Беҳзоднинг Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сига чизган суратларига юқори баҳо берадилар. Бу асардан 1467 йили Султон Ҳусайн Бойқаро хазинаси учун Шерали ҳаттот настъалиқ ёзувида нусха кўчиради.

"Зафарнома"нинг мазкур нусхаси ҳозир Балтимордаги Жон Хопкин университети кутубхонасида сақланмоқда.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамон Мирзо настаълиқ ҳамда бошқа хатлар устаси ва мусаввир бўлган. Навоий "Мажолисун-нафоис" асарида у тўғрисида шундай ёзади: "Бадиуззамон Мирзо ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста, жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдир".

Ҳусайн Бойқаро саройида яшаб, жуда кўп нодир китоблар кўчирган ҳаттотлардан бири Султонали Машҳадийдир. Султон али Машҳадий ҳаттотлик соҳасида назариётчи ҳам эди. Унинг ҳаттотлик ҳақидаги рисоласи мавжуд.

Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасида Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган тўққиз китоб ва 13 қитъа сақланади.

Султонали Машҳадийнинг кўпгина шогирдлари унинг услубини янада тараққий эттириб, настаълиқ хатида китоб кўчиришни бадиий гўзал санъат даражасига кўтардилар. Ундан кейин ўтган ҳаттот ва хат назариётчилари Султонали Машҳадийни эҳтиром билан тилга олиб унинг ҳаттотлик санъати қонун-қоидаларини ўз санъатларига асос қилиб олдилар.

Малоҳат САЛОМОВА,
Тошкент давлат маданият институти кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув факультети талабаси

"2004-2005 o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

БОЛАЛАР ИСТЕЪДОДИ

мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўла юзага чиқади

Халқ таълими вазирлиги томонидан "2004-2005 ўқув йили — Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинганлиги ушбу таълим тизимини ҳам қайтадан кўриб чиқиш ва тўгараклар ишини жонлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Хўш, айни пайтда бу таълим йўналишида самарадорликка эришиш учун нималар қилинмоқда? Ўқувчи-ёшлар онгига ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳини сингдиришда мактабдан ташқари таълим муассасалари қандай ўрин тутмоқда? Шу каби саволлар билан Халқ таълими вазирлигининг маънавий-маърифий тарбия бош бошқармаси бошлиғи Жамолиддин ФОЗИЛОВга мурожаат қилдик.

— 2004-2005 ўқув йилининг Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили деб эълон қилиниши билан ушбу таълим соҳасига қандай ўзгаришлар киритилаётганлиги ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аввало жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ҳар бир вилоятдан икки нафардан мутахассис, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида республика мактабдан ташқари таълим муассасалари ва "Бунёдкор" ёшлар телеклуби ҳамкорлигида ўқув-семинари ўтказилганлигини айтиб ўтишим керак. Мазкур семинарда ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва мактабдан ташқари таълим муассасалари самарадорлигини ошириш ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Ишлаб чиқилган "Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш тадбирлар режаси"га асосан янги ўқув йили бошида Фарғона вилоятида "Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш омиллари ва тараққиёт истиқболлари" мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказилди. Ана ўша кенгашда йил давомида нималар қилиш кераклиги белгилаб олинди. Ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама билимдон, комил инсон қилиб тарбиялашда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни катта эканлигини барча бизни ўйлантирган масалалардан бири ҳам шу эди. Шу боис ҳам ушбу семинарда ўзаро фикр алмашиш, тажриба ўрганиш, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконини берадиган интерактив усулларни қўлладик. Ана шундай ўқув-семинарларнинг ўтказилиши ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, ҳаётга, меҳнатга, Ватанга муносабатларини шакллантиришга қаратилган ишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда.

— Ушбу ишларнинг самарадорлигини оширишда қандай тадбирлар кўзда тутилган?

— Ушбу муассасаларда бола бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, ҳунар ўрганади, ўзининг келажаги учун замин ҳозирлайди.

Албатта, бу ўқув йилидан кутилаётган натижалар кўп. Аввало самарадорликни ошириш, ҳар бир соҳани марказлаштириш ниятида баъзи бир мактабдан ташқари таълим муассасаларини тутган ўрни, бир-бирига алоқадорлигини ҳисобга олиб бирлаштириш режалаштирилган. Масалан, сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналиши билан экология йўналишини олайлик. Ўлкашунослик, санъатшунослик, фольклоршуносликни ўрганаётган ўқувчи атроф-муҳит муҳофазаси ёки экологияси билан ҳам истайдими-йўқми, тўқнаш келади. Ёки биология ва ҳайвонот дунёси билан қизиқадиган ўқувчилар бевосита сайёҳ мақомини ҳам олади. Ана ўшаларни ҳисобга олиб ҳар икки йўналиш ишини бирга олиб бориш керак, деган қарорга келдик.

— Самарадорликни оширишда ўтказиладиган тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар йили анъанавий тарзда иқтидорли болалар анжумани бўлиб ўтарди. Унда бир қатор қобилиятли, истеъдодли ўқувчилар аниқланарди. 2004 йили бу анжуман негадир ўтказилмади?..

— Анжуман ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилди. Лекин, республика миқёсида эмас. Баҳорги таътил даврида барча йўналишлар бўйича вилоятларда бўлиб ўтган анжуман ғолиблари иштирокида катта тадбир ўтказмоқчимиз. Республика миқёсида 21 йўналишда ўтадиган бу тадбир танловларнинг якуни бўлади. Шуларнинг 8 таси фақат Ўқувчилар саройида иш олиб бораётган тўгаракларга тааллуқли.

— Маълумки, фанлар бўйича бўлиб ўтадиган олимпиадада юқори ўринни олган ёки "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчи олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритади. Республика босқичидаги мазкур кўрик-танловлар ғолиблари ҳам бирор имтиёзга эга бўладими?

— Бу тадбирлар ўқувчилардаги истеъдод ва қобилиятни очишга, уни ривожлантиришга ёрдам беради. Бир неча йиллик кузатувларим натижасида бир нарсага амин бўлдимки, масалан, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси бўлган қизларнинг 60-70 фоизи мактабдан ташқари таълим муассасалари йўналишида ўтказилган турли тадбирларда фаол иштирок этган, танловларда ғолиб бўлган ўқувчилардир. Ана ўша юксак мукофотни олишга уларга мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўрганган ҳунарлари, турли тадбир ва кўрик-танловлардаги иштироки ёрдам берган.

— 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан жойларда жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тартиби ҳам ўзгарди. Энди мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари, тўғироғи тўгарак раҳбарлари ҳам моддий манфаатдорликка эга бўлишадими?

—Мактабдан ташқари таълим муассасаларига жами ўқувчиларнинг 70 фоизи қамраб олинган.Ўқитувчилар каби тўгараклар раҳбарлари ҳам фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида бюджетдан ташқари сармоя топиш йўлга қўйилган. Бунинг учун уларда ҳамма имкониятлар етарли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана ўша маблағлар ҳисобидан тўгарак раҳбарлари рағбатлантирилади. Бундан ташқари уларга 15 фоизлик устама ҳақ ҳам белгиланган.

— Самарадорликни ошириш учун қандай ҳамкорлик ишлари олиб бориляпти?

—Биз олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз учун ота-оналар, маҳалла-кўй турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишимиз шарт ва зарур. Бола бўш вақтининг кўп қисмини оила ва маҳаллада ўтказади. Шунинг учун ота-оналар, маҳалла фаоллари билан мустаҳкам алоқада бўламиз. Ундан ташқари ишончли ҳамкорларимиз сифатида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотларни айтиб ўтиш жоиз. Шу ўринда "Камолот " ёшлар ижтимоий ҳаракати билан олиб бораётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ташкилот билан "Умумий ўрта таълим мактаблари болалар етакчилари тўғрисидаги" Низом, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг таълим муассасаси ички тузилмаларидаги ваколатлари тўғрисида"ги йўриқнома ва "2004-2005 ўқув йилига мўлжалланган ҳамкорлик тадбирлари"ни ишлаб чиққанмиз.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолиятига янгича, замон талабларига жавоб берадиган иш услублари ва илғор тажрибаларни жорий этишга қаратилган ҳамда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Грантлар дастурида ўрнатилган тартибда ҳисобга олиниши ва қўллаб-қувватланиши Ҳаракат билан имзоланган қўшма қарорда ўз аксини топган. Айни кунларда мана шу йўналишларда жойларда иш олиб борилмоқда.

Бу ўринда куни кеча Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мавзусидаги республика семинарини айтиб ўтиш мумкин. Семинарда мактабларда фаолият олиб бораётган "Камалак" болалар ташкилотининг ишини жонлаштириш, ўқувчи-ёшларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш масалалари муҳокама этилди. Бу ишда малака ошириш институти ходимлари ўз ўқув дастурлари, тавсиялари билан ёрдам бераётганлиги гапирилди.

Самарадорликка эришиш, болаларнинг истеъдоди ва қобилиятларининг тўла юзага чиқишига имконият яратиш бизнинг вазифамиз. Бу юмушларни ҳар бир мактабдан ташқари таълим муассасаси, ҳар бир тўгарак раҳбари чуқур англаб олиши ва ҳар бир ишини мана шу асосда ташкил қилиши лозим. Ана ўшандагина ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришган бўламиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди.

Afsus

СОХТА ДИПЛОМЛИ МУДИРАЛАР

Тасаввур қилинг, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Дилором" болалар боғчасига келиб қолдингиз. Бу жой боғча мудираси Гулировза Умурбоеванинг "ҳудуди" эканлигини бир зумда сизга эслатиб қўйишлари, шубҳасиз. Ёки Жиззах туманидаги "Хумо" болалар боғчаси эътиборингизни тортди, дейлик. Сизни Холида Раҳмонова мудираларга хос мағрурлик билан кутиб олишига имоним комил. Бироқ, бу икки мудиранинг ҳам "мис"и чиқди.

Г.Умурбоева узоқ йиллардан буён "Дилором" болалар боғчаси мудираси бўлиб ишлайди. Таржимаи ҳоли билан танишган одам 1989 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатганлигига эътибор бериши, шубҳасиз. Лекин, олий маълумотни бошқалар қатори машаққат чекиб олмаганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Бу борада Г.Умурбоевага марҳум М.Қодиров ёрдам берган.

— Ўқишга кириб нима қиласиз? Диплом сотиб олинг, қўйинг-да, маслаҳат берди у.

Шу тариқа савдо пишди. Собиқ иттифоқнинг 150 рублига бир зумда олий маълумотли бўлиб олди. Г.Умурбоевага берилган № 014104 серияли дипломга олий маълумотли мутахассис эканлиги қайд этилди.

Холида Раҳмоновани "ташвиш"и эса, осонроқ битди. Жиззах педагогика институтининг ўқитувчиси Б.Тоштемировга берилган зиёфат эвазига 1993 йил октябрь ойида сохта дипломли бўлди. № 206405 рақамли диплом суд-криминалистик экспертизасидан ўтказилганда рангли нусха кўчириш воситаси орқали қалбакилаштирилганлиги аниқланди. Шунингдек, Жиззах педагогика институти томонидан берилган маълумотномада ҳам Ҳ.Раҳмонова 1989 йил талабалар сафига қабул қилинмаганлиги баён этилган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар ва Жиззах туман судларида ушбу икки иш кўриб чиқилди, айбдорларга тегишли жазо белгиланди.

Шоира АШУРОВА,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи
("Ҳуқуқ" газетасидан олинди.)

Belorus olimlari 7 yoshdan 15 yoshgacha bo‘lgan uch mingdan ortiq boladan so‘rov o‘tkazganlar. Unga ko‘ra, bolalar yorqin ranglarda o‘zlarini yaxshi his etganlar. O‘smirlarning 70 foizi esa moviy rangni afzal bilarkan.

Ma'rifat

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

У бадиий асарлар орқали ҳам сингдирилади

Жамиятнинг ривожланиши билан табиий ҳодисалар ва инсоният турмушида катта бир муаммо пайдо бўлди. Бу — табиатни муҳофаза қилиш муаммоси.

Инсон табиат қучоғида ҳаёт кечиради. У она табиатнинг ажралмас бўлаги. Шу боис ҳам инсон бахтли яшаши учун маълум даражадаги шароитлар яратилган бўлиши керак. Биз табиатга яхши муносабатда бўлсак, табиат бойликларидан оқлга мувофиқ ҳолда фойдалансаккина чиройли ҳаёт тарзига эришишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда инсонларнинг, айниқса биз тарбиялаётган ёш авлоднинг табиатга бўлган онгли алоқасини тарбиялаш бугунги куннинг энг аҳамиятли масалаларидан биридир. Бу йўлда бадиий адабиётнинг бажарадиган хизмати жуда катта. Мактабларимизда қорақалпоқ адабиёти фанидан тузилган дастур ва дарсликларда табиатни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган асарлар етарли даражада ўрин олган. Масалан, ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг «Кўзнинг қорачиғи» (қорақалпоқ тилида) романи, А.Атажановнинг «Чўлда» достони, К.Алламбергеновнинг «Қушлар қайтган кун» повести, шоир И.Юсуповнинг «Дала армонлари», «Булбул уяси» поэмалари, «Бу ер ҳали зўр бўлади», «Орол элегиялари» шеърлари, О.Абдураҳмоновнинг «Оролим — дардим менинг» публицистикаси, М.Сейтниязовнинг «Аму, Орол менинг ҳаётимда» поэмалари ва бошқа кўпгина асарлар ҳам мактаб дарсликларига киритилди.

Ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг «Кўзнинг қорачиғи» романи ўқувчиларга экологик таълим беришда яхши таъсир этади. Ўқувчилар романни ўқиш баробарида жамиятдаги айрим ҳодисалар билан танишади, шунингдек, бугунги куннинг энг долзарб муаммоси саналган Орол денгизини муҳофаза қилиш масаласини ўрганади.

Мактаб дастурларида шоир И.Юсупов ижодини ўрганишга катта ўрин ажратилган. Шоир поэзияси ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантиришда она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотишда катта аҳамиятга эга. Масалан, И.Юсупов «Дала армонлари» поэмасида ўзининг туғилган ерига бўлган меҳр-муҳаббатини, халқлар орасидаги дўстликни куйлайди. Шоирнинг «Булбул уяси» поэмаси ҳам инсон ва табиат масаласини чизиши билан ажралиб туради. Унда уруш ва тинчлик, инсон ва табиат тасвири масаласи бир чизиқда чизилади.

Tabiat va biz

Поэмадаги булбул — табиатнинг рамзи. Шоирнинг «Бу ер ҳали зўр бўлади» (қорақалпоқ тилида) ёки «Орол элегиялари» шеърий тўпламини олиб қарайлик. Бу шеърлар ўқувчиларнинг қалбида туғилган ерига, ватанига бўлган муҳаббат туйғусини уйғотади.

Ёзувчи О.Абдураҳмоновнинг «Оролим — дардим менинг» асари ўзининг бадиийлиги, композицияси, илмий фактларга бойлиги, образларнинг ишончлилиги билан ўқувчини ўзига тортади.

Бадиий адабиёт саҳифаларидан ўрин олаётган экологик муаммолар, атроф-муҳитни, табиатни қўриқлаш мавзулари ўқувчиларда ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, табиий бойликларни муҳофаза қилиш туйғуларини шакллантиради.

К.ПОЛИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ПҚТМОИ «Тил ва адабиёт» кафедраси мудири, филология фанлари номзоди

Сайр қилиб юрган ёш келин-кўёвларни кишилар бир-бирларига имлаб кўрсатишади. Атрофида юрган йигит-қизлар эса, уларга ҳавас билан қараб қолишганини кўп кузатгансиз. Бахтли оилаларнинг кўпайиши ёшларнинг оила қуришга нечоғлик тайёр эканликлари билан узвий боғлиқдир. Жойларда ёшларни турмушга тайёрлаш, уларни ҳар томонлама баркамол шакллантириш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бахмал тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Жумагул Каримова билан ҳам айни шу мавзу доирасида суҳбатлашдик.

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

— Жумагул опа, ФҲДЁ бўлимидан ўтиш учун ариза берган ёшларни рўйхатдан ўтказиш чоғида қандай тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган?

— Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Хотин-қизларимизнинг ичкилик ёки гиёҳвандликка берилиши, албатта, ҳомилага кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ёшларни тиббий назоратга олиш ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш керак. Ҳозирги кунда хотин-қизларни сифатли диспансер кўригидан ўтказиш ва соғломлаштиришни мақсад қилган махсус тиббий жамоамиз фаолият кўрсатмоқда.

Қизларни эрта турмушга чиқариш натижасида ҳам бола мажруҳ ёки ногирон туғилиши мумкин. Чунки улар ҳам руҳий, ҳам физиологик жиҳатдан оналикка тайёр эмас. Барчаси ҳисобга олинган ҳолда Конституциямизда никоҳ ёши қизлар учун 17, йигитлар учун 18 ёш қилиб белгиланган.

Яна бир муҳим жиҳат, қариндошлар ўртасидаги никоҳга бориб тақалмоқда. Бундай оилаларда туғилган чақалоқлар кўпчилик ҳолларда фалаж, чала, баъзан ногиронлик нуқсонлари билан туғилмоқда. Юқоридаги сингари ножўя ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бўлимимиз қошида қисқа муддатли тиббий ўқув курслари ташкил этилган.

— Бу курсларнинг ўзига хослиги нимада?

— Бир ойда 4 марта ўтказиладиган мазкур ўқув курсларимиз оилани мустаҳкамлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган. Курс ишларида кўпроқ никоҳдан ўтиш учун ариза берувчи ёшлар, ёш келин-кўёвлар иштирок этишади. Дарс соатлари давомида «Никоҳ гигиенаси», «ВИЧ-ОИТС муаммолари: юқиш йўллари ва инсон ҳаёти учун хатарли жиҳатлари», «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда маърузалар қилинади. Ўқув курсларимизга туман марказий шифохонасининг мутахассислари—дерматовенеролог, акушер-гинеколог, рухшунос, генетиклар таклиф қилинган. Шунингдек, маънавият ва маърифат бўлими ходимлари, кексаотахон ва онахонлар таклиф этилади. Йиғилганлар ўзаро фикр алмашиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришади. Бу каби тадбирлар лицей ва коллежлар, умумтаълим мактабларида ўтказилиб келинаётир.

— Нима деб ўйлайсиз, урф-одат ва анъаналар ҳам оилавий муносабатларга таъсир қиладими?

— Ҳа, албатта. «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақл бежиз айтилмаган. Маҳалладаги урф-одат ва анъаналарни ўсмир ёшидаги йигит-қизлар истаса-истамаса ўзлаштиришади. Улар катта ёшлилар таъсири ва назорати остида вояга етади.

Оила ҳуқуқининг манбаи сифатида ҳам маҳаллий урф-одат ва анъаналар тан олинган. Фақат улар қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Масалан: никоҳ тузишдан олдин йигитнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари томонидан қизнинг уйига «совчиликка» бориши, никоҳдан сўнг «чилла» ўтказиш, «қуда чақириғи» каби маросимлар мавжуд. Ушбу маросимларни ўтказиш тартиби қонунда назарда тутилмаган ва айни пайтда қонун билан рад ҳам этилмаган. Лекин, бу анъаналарни ўтказиш янги оилани жамоатчиликка таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Оила кодексининг 13-моддасида диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги кўрсатиб ўтилган, лекин, бундай анъаналарга таянган ҳолда никоҳ тузиш маҳаллий аҳоли учун азалдан тан олинган урф-одатлардан биридир.

— Ёш келин-куёвлар, бўлажак ота-оналарга бола тарбиясида қандай маслаҳатларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Ота-оналар болани одамларга оқибатли бўлиш руҳида тарбиялашлари, уларни ширин сўз, хушмуомалаликка ўргатишлари керак. Ёшларни қурби етадиган, қизиқадиган иш билан банд қилиш лозим. Шундагина уларда ўз-ўзига ишонч шаклланади, ўғил бола катта бўлиб уйланганида, қиз бола турмушга чиққанида ўз жуфти ҳалолини эъзозлайдиган бўлади.

Азиз НОРҚУЛОВ суҳбатлашди.

Rangin dunyo

РАНГЛАР ҲАҚИДА НИМА БИЛАМИЗ?

Ранглар илмий жараёнда чексиз аҳамиятга эга. Шунинг учун у асрлар давомида олимларни қизиқтириб келган. Ҳаттоки бир қанча давлатларда ранглар билан шуғулланувчи махсус институтлар ва илмий лабораториялар мавжуд. Шулардан айниқса, Япониянинг Токио шаҳридаги Ранг институти дунёга машҳур. Жаҳоннинг таниқли олимлари томонидан ранг орқали рамзий маънода гапириш; ранглар воситасида инсонларни даволаш; ички дунёсини билиш; тарбиялаш; ранглар жилосига фалсафий фикр бериш ва ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотлари унумдорлигини ошириш каби масалалар ўрганилмоқда.

Инсон умрининг ҳар лаҳзасида учрайдиган ранг унинг маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Чунки ранг руҳиятга ҳар дақиқада ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Ёруғлик бор жойда ранг бўлади. Чунончи, кечқурун уйингизда чироқ ўчиб қолди дейлик, ҳаммаёқ қоронғуликдан иборат бўлиб кўринади. Инсонда мавҳумлик пайдо бўлади. Кўз қорачиғи катталашади, юрак уриши ўзгаради, бу ҳолат соғликка салбий таъсир этиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ёки бунинг аксини олайлик, ҳар баҳорда лола сайлига чиққанингизда, тоза ҳаводан ташқари қир-адирларда турли рангдаги гулларни, майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чўққисидаги оппоқ қорни кўриб кайфият кўтарилади, ҳаётга ва табиатга бўлган муҳаббат ортади. Шунинг учун ҳам қадимдан табиблар беморларга эрта баҳорда қир-адирларга саёҳат қилишни тавсия этганлар. Шунингдек, Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Камолиддин Беҳзод, Фирдавсий, Бобур каби жаҳонга машҳур алломалар ҳам рангларнинг турлари, маънолари, инсон соғлиғига таъсири ва бошқалар ҳақида жуда кўп асарлар ёзганлар, илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Чунончи, Беруний ўзининг "Китоб ал Жавоҳир-маърифат ал Жавоҳир" (Минералогия) асарида рангларнинг 200 дан ортиқ номларини санаб ўтган ва келиб чиқиши тўғрисида ёзган. Шарқда олимлар, шоирлар, мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар рангларнинг юздан ортиқ турини ажрата олганлар ҳамда уларнинг номини, ҳаттоки рамзий маъносини билганлар. Улардан бизгача етиб келган баъзи намуналар билан танишиб чиққанмиз: алвон раҳувон, барги карам, бинафша, буғдой ранг, кўк, ложувард, лола ранг, малла, мовий, мош ранг, нафармон, оқ, пистамағиз, пистагипушти, сариқ, сафсар, само ранг, сур, феруза, ўчоқ кесак, қизил, қирмизи, қора, қорамағиз, қорача, қўнғир, ҳаво ранг, анордона, ақиқ, байзогул, барг ранг, бақа тўни, бика, бурул, гулнор, гулоби, данифаранг, жигари, жийрон, жўжа, зийнови, зар, зарчава, зарғалдоқ, каптарбўйин, кўкимтир, гулоби... Уларнинг номини яна давом эттириш мумкин. Афсуски, йиллар, асрлар ўтиши билан аста-секин рангларнинг номи, турлари ва рамзий маъноси ҳам унутилди. Уларнинг кўплари эса, йўқолиш арафасига келиб қолди.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, тарбиявий, фалсафий, руҳий томонлари ҳақида жуда кўп маънавий хазиналар қолдирганлар. Мисол учун Ҳусайн Воиз Кошифий либосларнинг ранги ҳақида бундай дейди: "Либосларнинг ранги турлича бўлади. Ҳар бир ранг ўзига хос маънони ифодалайди. Агар оқ либос нимани англатади, деб сўрасалар, шундай дегин: оқ кийим куннинг рангидир. Шунинг учун бундай либос юрагида гина ва адоват бўлмаган кишиларга нур улашади. Агар кўк либос нимани билдиради, десалар, шундай дегин: кўк ранг сув рангидир. Шу боис бу рангда кийинган кишилар сахий ва ҳаётни севувчи бўлишлари лозим. Ким агар бу рангни маъқул кўрса, худди сувдек тоза ва мусаффо, ҳар бир қалбга яқин бўлади. Агар қора либос нимани англатади, десалар, айт: қора ранг тун ва кўз қорачиғининг рангидир, шу боис бундай либосни кийганларнинг қалблари сир-асрорга тўладир. Агар яшил кийим тўғрисида сўрасалар, шундай айт: яшил ранг самимий ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши ёрдамга муҳтож кишиларга иложи борича кўмаклашиши керак".

Ёки қадимги ота-боболаримиз сариқ рангни сариқ касалга даво деб ҳисоблаб келишган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган ва уйни сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашган, пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) ҳам касал кўргани борганларида сариқ салла ўраб борганлар. Чунки, сариқ ранг қуёш нури, илиқлик, кўтаринки руҳ рамзидир. Афсуски, бу маънавий меросдан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Чунончи, таълим тизими, тиббиёт, техника, қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва бошқа соҳаларда бу масалага жуда кам эътибор берилади. Ҳолбуки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида рангларга жуда катта аҳамият қаратилган. Ҳаттоки, рангшуносликка оид илмий муассасалар фаолият юритади. У ерларда ҳамма соҳалар, масалан, маориф, тиббиёт, иқтисод, техникада етук олимлар жуда катта фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ҳозирда ҳам ультра бинафша рангли нурдан тиббиётда даволаш мақсадида фойдаланилишини яхши биламиз. Бироқ бу нурдан кўп фойдаланиш ҳам зарар келтириши мумкин.

Ҳар бир бинонинг ички ва ташқи қисми ўз мазмунидан келиб чиқиб турлича рангда бўлади. Масалан, мактаб синфлари ўзига хос талаблар асосида бўялади. Болалар рангни катталарга нисбатан бошқачароқ сезади. Бунинг устига турли ёшдаги болалар турли рангни яхши кўради. Белорус олимлари 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган уч мингдан ортиқ боладан сўров ўтказганлар. Унга кўра, болалар ёркин рангларда ўзларини яхши ҳис этганлар. Ўсмирларнинг 70 фоизи эса мовий рангни афзал биларкан. Шу сабабли, қуйи синфларни сариқ, пушти рангга, ўсмирлар ўқийдиган хоналарни — мовий рангга бўяш тавсия этилади.

Машраб КАЗАКОВ,
Низомий номидаги ТДПУ Бадиий графика факультети талабаси

ФИЛИППИНДА ТАБИИЙ ОФАТ

Филиппин оролларига ёпирилган қатор тўфонлар натижасида 2 минг киши ҳаётдан кўз юмган. Жума куни Филиппин ҳукумати навбатдаги «Нанмадол» бўронидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш чораларини бошлади. Тўфон оқибатида 100 минг аҳоли ўз турар-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди. Табиий офат натижасида қурбон бўлганлар сони ҳозирча номаълум. Баъзи ахборот манбаларида айтилишича, биргина Куезон ҳудудида 479 киши ҳалок бўлган, 560 киши эса, бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Кучли бўрон ва тинимсиз жала қутқарув хизмати ишини янада оғирлаштирмоқда. Ҳарбий вертолётлар офат ҳудудига етиб ололмаяпти, ҳарбийлар ижтимоий ёрдамни пиёда етказишга мажбур бўлишаяпти.

Метеорологларнинг маълумотига кўра, шамол тезлиги 185 км/соатга етган.

Мактабларда ўқиш тўхтатилган, йўллар ёпиб қўйилган, минглаб аҳоли ҳимоясиз қолган.

«Биз бу ҳолдан жуда хавотирдамиз ва ҳудудлардаги янги қурбонликларнинг олдини олиш учун нима қилишимиз мумкинлигини билмаймиз», — дейди ижтимоий таъминот котиби Корасан Солиман, Рейтер ахборот агентлигига берган маълумотида.

ПУТИН ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Россия президенти Владимир Путин 3 кунлик ташриф билан Ҳиндистонга келди. Ташриф чоғида президент савдо-сотиқ алоқалари ва энергетика ишлари бўйича масалалар кўрилишини маълум қилган. Путин жума куни Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди ва қанотли ракета масаласи ҳамда Россиянинг ядровий реакторларини Ҳиндистонга сотиш ҳақида маслаҳатлашди. РИА янгиликларининг хабар беришича, Россиянинг қарзларини Ҳиндистон 2005 йилда тўлаши керак.

ҚОТИЛ ҚАМОҚ ЖАЗОСИНИ ЎТАМАЙДИГАН БЎЛДИ

Швеция вазири қотилининг қамоқ жазосига маҳкум қилиниши кутилган эди. Бироқ, 25 ёшли Михайло Михайловични аппеляция суди руҳий касалликлар шифохонасида қолдиришга қарор қилди.

Михайловични ўтган йили 10 сентябрда Стокгольмдаги магазинда Анна Линд исмли аёлга ҳам пичоқ билан ташланганликда айблашяпти. Аёл воқеанинг кейинги куни оғир аҳволда ҳаётдан кўз юмган.

Михайлович бу ҳодисада айбдорлигини тан олса-да, ўша пайтдаги руҳий ҳолатини бошқаролмаганлигини таъкидламоқда.

Ноябрда қабул қилинган Олий суд қарорида Михайловичнинг руҳий ҳолати ҳисобга олиниб унга шафқат қилишларини сўраганлиги ҳам инобатга олинган. "У жазо муддатини ўз юрти Сербия ва Чернегорияда ўташни сўраяпти", деб айтди айбланувчининг адвокати Михайл Нилльсон Швеция радиоси мухбирига берган интервюсида. Қарорни яна қайта аппеляцияга қўйишга рухсат берилмаган.

ГАИТИДА ЯНГИ ТЎҚНАШУВЛАР

Пайшанба куни Гаитида яна оммавий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Унда 11 дан ортиқ одамлар ҳалок бўлган.



Собиқ президент тарафдорлари сешанба куни пойтахт Порто-Пренседа отишмалар уюштирган ва у ердаги машиналарни ёқишган. Шаҳарда давлат идоралари, магазин ва ўқув дўконлари ёпиб қўйилган. Қонунни ҳимоя қилиш тарафдорларининг гувоҳлик беришича, икки ой ичида бўлиб ўтган тартибсизликлар натижасида 150 га яқин одам ҳалок бўлган.

Интернет хабарлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 114-гуруҳ талабалари тайёрлади.

«Маърифат» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими, филология фанлари номзоди, доцент **Ўтамурод НУРМУҲАММЕДОВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази жамоаси Илмий кенгаш ва нашр ишлари бўлими бошлиғи Б.Қурбонбоевга онаси **Хонимжон АБДУЛЛА қизининг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Москвада Кучма билан Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Расмий Москва Украинани бўлинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан қаттиқ ташвишда эканини билдирган. Шу билан бирга президентлик сайловининг такрор ўтказилиши муваффақиятсизликка учраши мумкин, дея

УКРАИНА САЙЛОВЛАРИ ДУНЁ НИГОҲИДА

Украинада ўтган президентлик сайлови бутун дунёни ўзига қаратди. Украинада президентлик сайловининг иккинчи босқичидан сўнг юзага келган сиёсий бўҳронни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар эса, давом этмоқда. Украина парламенти – депутатларининг кўпчилиги Бош вазир Виктор Янукович ҳукумати истеъфосини истамоқда. 450 нафар депутатдан 229 нафари Януковичнинг истеъфога чиқиши учун овоз берган. Парламентда яширин овоз берилгани боис, кимлар унга қарши овоз берганини билиш қийин. Мутахассислар фикрига кўра, Янукович тарафдорларининг айримлари Юшенко тарафига ўтган бўлиши мумкин.

Украина конституциясининг 115-моддасига кўра, парламентнинг ҳукумат истеъфосини талаб қилган қарорини президент бекор қила олмайди. Украинанинг амалдаги президенти Кучма парламент ҳужжатини қабул қила олмаслигини билдирганди. Ҳуқуқий томондан қараганда президент Кучма ҳақ. Чунки мавжуд қонунларга кўра парламент фақат бир йил фаолият олиб борган ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин. Ҳукумат фаолиятига эса, энди етти ой тўлди.

Сешанба куни Виктор Янукович агар сайлов қайтадан ўтказилса, унда иштирок этмаслигини билдирганди.

Хабарингиз бор, шу ҳафта бошида МСК Виктор Януковични сайлов ғолиби деб эълон қилган эди. Ҳозирда Юшенко тарафдорлари президентлик сайловини қайта ўтказиш кераклигини таъкидламоқда. Уларнинг айтишича, янги сайлов 12 декабрда бўлиб ўтиши лозим. ЕИга бошчилик қилаётган Нидерландия ташқи ишлар вазири Бернардт Бот президентлик сайловини қайта ўтказиш кераклигини таъкидлаб, у қанча тез ўтказилса, шунча яхши, деб айтди.

Айни вақтда Украинанинг турли ҳудудларида норозилик намойишлари давом этаётганини айтиб ўтиш лозим. Мухолифат тарафдорлари ҳукумат ва Верховний Рада биноларини яна қуршовга олмоқда.

Украинанинг бу бўҳрондан чиқиб кетиши учун халқаро ташкилотлар ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

АҚШ президенти Жорж Буш Европа мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг Украинадаги сиёсий бўҳронни ҳал қилиш йўлида қилаётган ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Ҳатто Жорж Буш Украинадаги вазиятни Польша президенти Александр Квасьневский билан телефон орқали ўтказган суҳбатида муҳокама қилди. Польша раҳбари Украина пойтахтига воситачилик миссияси билан сафар қилди. Худди шундай мақсад билан Киевга Литва президенти Валдас Адамкус, ЕХҲТ Бош котиби Ян Кубиш ҳам ташриф буюрди. Улар бевосита Киевда Украина президенти Леонид Кучма билан учрашдилар. Шу билан бир қаторда Европа Итифоқи раҳбарияти аъзоси Хавьер Солана ҳам Киевда Леонид Кучма билан учрашиб, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Россия президенти Владимир Путин эса, Леонид Кучманинг Украинадаги сиёсий инқирозни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қуватлашини билдирди.

фикр билдирди Россия президенти. ***«Президентлик сайловининг иккинчи босқичини такрор ўтказиш ҳам ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин. Демак, томонлардан бири истаган натижага эришгунга қадар уни учинчи, тўртинчи ёки 25-марта ўтказиш керак бўладими?»*** – деб фикр билдирган Путин. Бундан ташқари Болтиқбўйи давлатлари ҳамда Германия ташқи ишлар вазири Эстониянинг Пярну шаҳрида учрашиб, Украинадаги воқеа-ҳодисаларни муҳокама қилишди.

Эстония ташқи ишлар вазири Кристина Ожуланднинг айтишича, учрашув иштирокчилари бир овоздан Украинадаги демократик кучларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Улар шунингдек, воқеалар тинч йўл билан ҳал қилиниши ва иложи борича тезроқ янги сайловлар ўтказилишига умид билдиришди.

Ҳозирда Олий суд мухолифатнинг президентлик сайлови жараёнида йўл қўйилган қонунбузарликлар тўғрисидаги шикоят аризасини кўриб чиқмоқда.

Интернет манбалари асосида Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Xalqaro hamkorlik

КУТУБХОНА ИШИНИ ЖОНЛАНТИРИШ – ЛОЙИҲАНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ЎМКҲТ муассасалари кутубхоначилари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Ушбу семинарнинг асосий мақсади ўқув муассасалари кутубхоналаридан самарали фойдаланиш борасида фикр-мулоҳаза юритиш ва услублар билан ўртоқлашиш, қолаверса, кейинги семинарларга тренерларни аниқлаб олиш ва тайёрлашдан иборат эди.

Айни кунда мавжуд кутубхоналарни такомиллаштирилган электрон кутубхоналарга айлантириш мақсадида ОТБнинг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида унга киритилган 45 та модул ўқув муассасалари кутубхоналари учун компьютер жиҳозлари, жумладан, 3 та компьютер, рангли принтер, сканер, ксерокс, проектор ҳамда қўшимча ўқув адабиётлари (хорижий ҳамда маҳаллий) сотиб олинмоқда. Бундан ташқари, кутубхоналарга ўрнатилиши кутилаётган компьютерларга кутубхона иши бўйича махсус дастурли таъминот ишланмоқда. Ушбу дастурли таъминот кутубхоначилар ишини енгиллаштириш билан бирга каталог тизимини такомиллашган кўринишда юритишга олиб келади. Бундай таъминот ёрдамида ўқувчи-ёшлар барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари кутубхоналари фондлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Унда шунингдек, электрон дарсликлар, тест топшириқлари ва масофавий таълим материаллари жойлаштирилади ва ўқувчилар мустақил равишда билим, кўникмалар олишлари ҳамда эгаллаган билимларини текширишлари мумкин бўлади. Шундай кутубхоналарни ташкил этишда унинг самарали фаолият олиб боришида юқори билим ва малакага эга бўлган кутубхоначилар талаб этилади. Айнан шу мақсадда республиканинг турли ҳудудларидан кутубхона мутахассислари танлаб олинди. Улар ушбу семинар давомида бугунги кундаги замонавий кутубхона қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Бундан ташқари, улар кутубхоналар учун ўрнатиладиган замонавий компьютер жиҳозлари ҳамда хорижий ва маҳаллий нашриётларда чоп этилган адабиётлардан самарали фойдаланиш каби мавзуларда билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Умуман, бугунги кунда кутубхона ишини такомиллаштириш, уни замонавий ўқув адабиётлари билан бойитиш, қолаверса, кутубхоналарни ахборот ва ресурс марказларига айлантириш масалалари устида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳа экспертлари томонидан яратилаётган "Муаллифлар учун қўлланма" ҳар икки умумтаълим ва махсус фанлар муаллифларига мўлжалланган бўлиб, унда замонавий қўлёзма қандай бўлиши лозимлиги, унинг қай тарзда ёзилиши, дизайни қандай бўлиши кераклиги ва бошқалар ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилган. Шунинг билан бирга муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи меъёрий ҳужжатлар, қўлёзманинг яратилишидаги зарур бўлган ташкилий, молиявий масалалар ҳақида кўрсатмалар келтирилган.

Азамат ЗОҲИДОВ,
ОТБ лойиҳаси ўқув адабиётларни яратиш бўйича маҳаллий эксперти

Respublika ta'lim markazi maxsus kursning o'quv dasturini ishlab chiqdi va u ilmiy-metodik kengash tomonidan tasdiqlandi. Maxsus kurs darslari uchun sinf jurnalida betlar ajratiladi va o'quvchilar bilimi har chorakda baholanadi.

Ma'rifat

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 28 ноябрда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритиш топширилган. Шунга кўра, Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 10 октябрдаги 150-сон "Умумтаълим муассасалари ўқув режасига "Истеъмолчилар маданияти асослари" махсус курсини киритиш тўғрисида"ги буйруғига биноан, 10-11-синф ўқув режаларига 17 соат ҳажмидаги "Истеъмолчилар маданияти асослари" махсус курси киритилди.

Ушбу дарслар мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобига ҳафтасига 1 соат ўтилади. Дарсларни асосан, иқтисод ва ҳуқуқ фани ўқитувчилари ўтишади.

Республика таълим маркази махсус курснинг ўқув дастурини ишлаб чиқди ва у илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланди. Махсус курс дарслари учун синф журналида бетлар ажратилади ва ўқувчилар билими ҳар чоракда баҳоланади.

«ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ»

мазкур курс бўйича дастур ва мавзувий режалаштириш (11-синф)

"Истеъмолчилар маданияти асослари" курсининг асосий мақсадлари:

Мазкур курс якунида ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- Товар ва хизматларни танлаш ва харид қилишда ўз қадриятларини ҳисобга олган ҳолда ва онгли равишда қарор қабул қилиш;
- Товарнинг фойдалилиги, танлашда муқобил вариантлар ҳажми ва сифати, товарнинг экологик кўрсаткичлари, умумий иқтисодий аҳволнинг айрим кўрсаткичларини баҳолаш;
- Ҳар хил бозор шароити вазиятларида истеъмолчи сифатида ўзини тўғри, билимли тута олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- Истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш;
- Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими асосларини билиш.

Ўқувчилар билимини назорат қилиш учун мини-тестлардан (асосий тушунчаларга эга бўлганлигини кўриш учун), оғзаки сўровлардан ва асосан истеъмолчилар тушиши мумкин бўлган вазиятли масалалар, ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Фаннинг ўзига хос тарафи шундан иборатки, кўп вазиятларда битта аниқ жавоб бўлмаслиги мумкин, ўқитувчи ўқувчининг дастурда кўрсатилган йўналиш бўйича фикрлаш қобилиятини, танқидий фикрлашини баҳолайди.

Реклама эълонлари, хилма-хил карточкалар, ёзувлар, товарни солиш учун мўлжалланган қутилар ва бошқа нарсалар дарсни жонлантиради ва унинг ўқувчилар тарафидан қабул қилинишини енгиллаштиради.

Мазкур курс ўқитилишининг предмети иқтисодий назария асослари эмас, истеъмолчининг бозордаги асосий хулқ қоидаларидир. Асосий ўзлаштириш зарур бўлган тушунча: барчамиз — истеъмолчимиз ва бу сифатда ўзимизни тўғри тутишимиз керак.

"Истеъмолчилар маданияти асослари" курси бўйича ўқув дастур

1-мавзу. Истеъмолчилар ҳуқуқи ва қонун. 1 соат

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун кимни ҳимоя қилади? Истеъмолчи. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари. Истеъмолчилар ўзўзини ҳимоя қилиши.

2-мавзу. Истеъмолчилар учун зарур ахборот. 2 соат.

Ахборот нима? Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига бериши шарт бўлган маълумот. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) тўғрисида маълумот. Товар (иш, хизмат) тўғрисида маълумот. Нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот учун жавобгарлик. Реклама. Реклама жараёнининг иштирокчилари. Доридармон рекламаси. Тамаки маҳсулотлари ва алькоголли ичимликлар рекламаси. Молия хизматларининг рекламаси. Реклама — оммавий оферта сифатида. Ижтимоий реклама. Нотўғри реклама. Одобсиз реклама. Беркитилган реклама. Нотўғри реклама учун жавобгарлик. Қарши реклама.

3-мавзу. Истеъмолчи ва товар харид қилиш. 2 соат.

Сотилаётган товарлар сифати. Хизмат муддати ва яроқлилик муддати. Кафолат муддати. Кафолат муддати тугаганидан кейин хизмат кўрсатиш. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи. Истеъмолчининг келтирилган зарарни қоплаш ҳуқуқи. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари. Товарнинг нуқсонларини бартараф этиш ҳуқуқи. Истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш. Харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш. Товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисобкитоб қилиш. Олди-сотди шартномасини бекор қилиш. Фойдаланиб туриш учун айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилиши. Товарнинг нуқсони бўйича даъво қилиш муддати. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи)ни истеъмолчи даъволарини қондириш мажбуриятидан озод қилувчи вазиятлар. Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи.

4-мавзу. Товар сотиш усуллари. 2 соат.

Савдо объектларига қўйиладиган асосий талаблар. Савдо объектларининг турлари. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш дўконлари. Шахсий хизмат кўрсатувчи дўконлар (анъанавий савдо). Товарларни очиқ пештахталарда сотиш. Бозор ва ярмаркаларда харид қилиш. Нон ва нонбулка маҳсулотларини сотиш. Гўшт-сут ва балиқ маҳсулотлари, тухум, маргарин сотиш. Радиоэлектрон аппаратлар ва маиший электр приборлар сотиш. Атторлик-пардоз товарларини сотиш. Алькогол маҳсулотларини сотиш. Заргарлик буюмларини сотиш. Мўйнали маҳсулотлар савдоси. Воситачилик савдоси.

5-мавзу. Истеъмолчи ва ўқув муассасалари. 2 соат.

Таълим олиш ҳуқуқи. Таълим тизими. Таълим муассасалари. Мактабгача таълим. Мактабгача таълим муассасаларининг турлари. Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш. Қўшимча хизматлар. Ўрта таълим. Таълим ва ривожлантирувчи хизматлар. Оиладаги таълим. Ногирон болаларни ўқитиш. Таълим сифатининг назорати. Олий таълим. Олий таълим муассасаларининг турлари. Университет. Академия. Институт. Олий таълим босқичлари. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар. Олий ўқув юртларига қабул қоидалари. Шартнома асосида ўқитиш. Банклар тарафидан бериладиган таълим кредитлари. Талабаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.

6-мавзу. Истеъмолчи ва тиббиёт муассасалари. 2 соат.

Тиббиёт муассасаларида бемор нималарга ҳақли? Тиббий хизматлар тўғрисидаги ахборотнинг хусусиятлари. Соғлиғи тўғрисидаги маълумотни махфий сақлаш ҳуқуқи. Тиббий аралашувнинг ихтиёрийлиги. Даволанишдан воз кечиш ҳуқуқи. Тиббиёт муассасаси тарафидан соғлиққа келтирилган зарарни қоплаш. Нуқсонли тиббий хизмат кўрсатилганда истеъмолчининг ҳуқуқлари. Анъанавий зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи. Истеъмолчи даъво аризаси билан қайси судга мурожаат қилишга ҳақли? Даъво муддати.

7-мавзу. Истеъмолчи ва умумий овқатланиш корхоналари. 1 соат.

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари. Ошхона, ресторан, бар, кафе, чойхоналарда хизмат кўрсатиш қоидалари. Умумий овқатланиш корхоналари маҳсулотларига қўйиладиган санитар-эпидемиологик нормалар. Умумий овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш қоидалари бузилиши турлари.

8 мавзу. Истеъмолчи ва маиший хизмат. 1 соат.

Маиший хизматлар. Маиший хизмат корхоналари. Маиший хизматларга ҳақ тўлаш. Маиший хизматларга шартномалар тузиш. Ижрочининг жавобгарлиги. Иш сифатсиз бажарилган. Ижрочи сизнинг буюмингизни бузиб қўйди. Сиз буюртмадан воз кечмоқчисиз.

9-мавзу. Истеъмолчи ва молия муассасалари. 1 соат.

Банклар ва кредитлаш шартлари. Жамғармалар ва фоизлар. Фонд биржалари, акционерлик корхоналар ва акционерлар. Суғурта. Суғуртачи. Суғурта қилувчи. Суғурта қилинган шахс. Суғурта шакллари. Суғурта қоидалари. Мулкни суғурта қилиш. Автоуловлар суғуртаси. Шахсий суғурта. Ихтиёрий тиббий суғурта.

10-мавзу. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя этувчи ташкилотлар. 1 соат.

Давлат органлари. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари. Умумий ваколатли органлар. Милиция. Ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва бурчлари. Ариза, арзлар ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби.

11-мавзу. Истеъмолчилар ҳуқуқини суд томонидан ҳимоя қилиш. 1 соат

Судда ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш керак. Ишларни судда кўриб чиқиш тартиби. Даъво аризасини топшириш. Суд мажлиси. Суд ҳукмининг ижроси. Суд ҳимоясининг афзалликлари ва камчиликлари.

Якуний дарс. 1 соат.

Tavsiya

"Истеъмолчилар маданияти асослари" курсининг ўқув режаси

№	Мавзу	Соатлар
1	Истеъмолчилар ҳуқуқи ва қонун	1
2	Истеъмолчи учун зарур ахборот.	2
3	Истеъмолчи ва товар харид қилиш	2
4	Товар сотиш усуллари.	2
5	Истеъмолчи ва ўқув муассасалари	2
6	Истеъмолчи ва тиббиёт муассасалари	2
7	Истеъмолчи ва умумий овқатланиш корхоналари	1
8	Истеъмолчи ва маиший хизмат	1
9	Истеъмолчи ва молия муассасалари	1
10	Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя этувчи ташкилотлар	1
11	Истеъмолчилар ҳуқуқини суд томонидан ҳимоя қилиш	1
12	Якуний дарс. Синов.	1
	Жами	17

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ: "ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА" (1996 йил 26 апрель)
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ: "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" (28 ноябрь 2002 йил 414-сон)
3. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧАКАНА САВДО ҚОИДАЛАРИ" Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова.
4. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ (ХИЗМАТЛАРИНИ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ҚОИДАЛАРИ" Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.

Sport xabarlari

ИККИНЧИ ТУР ЯКУНЛАНДИ

Зарафшон шаҳри бир ҳафта давомида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур учрашувларига мезбонлик қилди. Биринчи турдаги барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказган Зарафшоннинг «Строитель» жамоаси ўз майдонидаги ўйинларни ҳам кўтаринки руҳда якунлади.

«Строитель» вакиллари «Нафис»ни (Самарқанд) 10:0, «Олимпиячи»ни (Тошкент) 11:1, «Баркамол»ни (Қарши) 13:2, «Турон-С»ни (Андижон) 4:1, «Р.Мадаминов»ни (Хива) 8:1 ва «Навбаҳор-М»ни (Наманган) 9:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жорий чемпионатда ҳозирча жами ўн учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган «Строитель» ўттиз очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Чемпионлик учун курашда зарафшонликларга Тошкентнинг «Ардус» ҳамда Андижоннинг «Турон-С» жамоалари жиддий қаршилик кўрсатмоқда. Айниқса, таркибига қатор тажрибали футболчиларни жалб қилган пойтахт жамоаси чемпионат олтин медалини қўлга киритиш учун асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Ҳозирча, пойтахтликлар ўн ўйиннинг тўққизтасида ғалаба қозониб, 27 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Учинчи поғонани эгаллаб турган андижонликлар ҳисобида 24 очко бор.

Бу йилги чемпионатда пойтахтнинг яна бир вакили «Олимпиячи»нинг ишлари юришмаяпти. Мазкур жамоа ўн учрашувнинг барчасида рақибларига имкониятни бой берган. Шунингдек, «Баркамол» (Қарши), «Нурфайз» (Когон) ва «Р.Мадаминов» (Хива) жамоалари ҳам жадвалнинг қуйи поғоналарига тушиб қолган.

Тўпурарлар баҳсида «Строитель» ҳужумчиси Шавкат Муҳитдинов пешқадамлик қилмоқда. Моҳир футболчи рақиблар дарвозасини йигирма саккиз маротаба аниқ нишонга олган. «Жиззах-С» вакили Саидолим Шарафуддинов ҳисобида йигирма олтита гол бор.

Чемпионатнинг учинчи тур беллашувлари 19-24 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида ташкил этилади.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Унда 30 нафардан зиёд спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Яккалик баҳсида Дарья Мажаева шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Кейинги ўринлар Валентина Попова ва Валерия Золотихга насиб этди.

Жуфтлик беллашувларида Наталья Корнаева ва Валентина Поповага тенг келадигани топилмади. Валерия Золотих ва Албина Шокирова жуфтлиги — иккинчи, Динара Ибрагимова ва Анастасия Артишова жуфтлиги эса, учинчи ўринни олди.

АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

Пойтахтимизда фахрийлар ўртасида III анъанавий спартакиада якунланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган фахрий спортчилар баскетбол, волейбол, мини-футбол, теннис, шахмат, стол тенниси, тош кўтариш ҳамда кураш бўйича ғолиблик учун беллашди.

Спартакиадада Тошкент шаҳри фахрийлари терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни — Андижон, учинчи ўринни эса, Фарғона вилояти терма жамоаси вакиллари эгаллади.

«ЧЕЛСИ» УСТУН КЕЛДИ

Премьер лиганинг 15-турида Лондоннинг «Челси» клуби «Чарльтон» жамоасини йирик 4:0 ҳисоби билан мағлуб этди. Роман Абрамовичнинг клуби сардори Жан Терри ушбу ўйинда энг яхши ўйинчи, дея тан олинди. «Чарльтон» жамоаси мураббийси Алан Кербишлининг айтишича, ўтказиб юборилган биринчи голдан сўнг унинг ўйинчилари саросимага тушиб, бир-бирларини тушунмай ўйнай бошлашди.

«Чельси» клубида тўп сураётган легионер россиялик Алексей Смертин бутун ўйин мобайнида заҳира ўриндиғида ўтириб, қизиқарли беллашувни кузатди. Жамоа мураббийсининг айтишича, Смертин кейинги ниҳоятда муҳим учрашувлар учун куч йиғмоғи керак. Ушбу жамоа томонидан яқин кунларда мағлуб этилган «Фулхэм» мураббийсининг айтишича, «Чельси» жамоаси ушбу мавсумда албатта Англия чемпионлигини қўлга киритади.

ШАХМАТ-ШАШКА МУСОБАҚАСИ

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясида спортнинг барча турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Ҳар бир ўқувчи у ёки бу спорт тўгарагига жалб этилган.

Яқинда ушбу масканда шахмат-шашка бўйича гимназия биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Уч босқичда ўтказилган спорт ўйинларининг биринчи босқичида 1-4-синфлар, иккинчи босқичида эса, 5-9-синфлар, учинчи босқичида 10-11-синф ўқувчилари беллашдилар.

Қизиқарли ва баҳсу мунозараларга бой бўлган спорт байрамида 1-4-синфлар ўртасида шахмат бўйича 1- ўрин Мирзо Улуғбек Латиповга насиб этди. Камолхон Шоакрамов эса, шашкачиларнинг энг яхшиси эканлигини кўрсатди.

5-9-синфлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда 7-синф ўқувчилари Сардор Ботиров (шахмат) ва Беҳруз Дониёров (шашка) биринчи ўринни эгалладилар.

9-синф ўқувчиси Зоҳид Мамажонов шашка бўйича 10-11-синф ўқувчилари билан куч синашиб, 1- ўринни қўлга киритди. Аҳмад Асқаров эса, шахмат ғолиби бўлди.

Ушбу мусобақани ўтказишда мактабда фаолият юритаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси муносиб ҳисса қўшди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

РОССИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

Россиянинг теннис бўйича терма жамоаси Москванинг «Крилатский» ёпиқ стадионида Франция терма жамоаси билан куч синашиб, 3:2 ҳисобида ғолиб чиқди. Машҳур теннисчилар Анастасия Мискина ва Вера Звонарева учала сетда ўз рақибларидан устун келиб, терма



учун асосий очколарни келтирди. Шундай қилиб, Россия теннисчи қизлари тарихда биринчи бор бу қадар номдор мукофот, яъни «Федерация кубоги»-ни қўлга киритишди. Шу пайтгача теннисчи қизлар 5 маротаба финалга йўлланма олиб, ушбу кубокни юта олмаган эдилар.

Нозима ИКРОМОВА,
ЎзМУ талабаси

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги 493-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2005 йил 3 январда умумтаълим мактабларини мебель билан таъминлаш бўйича **тендер танловлари** ўтказишини эълон қилади.

Тендер танловларини ўтказиш бўйича Вазирликнинг "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармаси ишчи орган этиб белгиланган.
Тендер танловлари очиқ турда ўтказилади.Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Тендер танловларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:
қайта ташкил этилиш, ликвидация ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
белгиланган муддат ичида квалификацион танлов босқичи учун барча керакли ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз ўрнида бажармаганлар;
тендер танловлари эълон қилингунга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилганлар;
суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;
тендер ҳужжатларида кўрсатилган молиявий кўрсаткичлар бўйича талабларга жавоб бермайдиганлар.

Тендер танловлари ўтказилиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармасига (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиниши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармаси

Манзили: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. 700077
Тел: (83712) 68-85-42, 68-03-29, 67-16-93.
Факс: (83712) 68-03-29
Банк реквизитлари:
Ҳисоб рақами №20210000700101561002
Уйжойжамғармабанки, Меҳнат бўлими,
МФО: 00423

Тендер ҳужжатлари пакетини олмоқчи бўлган шахслар "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармасининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан,50000 (эллик минг) сўм миқдорида қайта қопланмайдиган комиссион тўловини амалга оширгач олишлари мумкин.
Барча тендер таклифлари тендер таклифи суммасининг 1% миқдоридаги бўнак суммаси ёки банк кафолати билан бириктирилган бўлиши керак. Бўнак суммаси ёки банк кафолати билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.
Шунингдек,тендер таклифлари юқорида келтирилган манзил бўйича 2004 йил 29 декабрь соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда етказилиши керак.
Тендер танловлари ташкилотчилари,тендер таклифлари ишлаб чиқиш ёки танловда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.
Тендер савдолари Тошкент шаҳрида,қуйида кўрсатилган 5 та ҳудуд бўйича гуруҳларга ажратилган 19 та бўлинмас Лотлар асосида ўтказилади.

№	Ҳудуд	Вилоятлар
1	Орол бўйи ҳудуди	Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти
2	Фарғона ҳудуди	Андижон вилояти, Наманган вилояти, Фарғона вилояти
3	Марказий ҳудуд	Бухоро вилояти, Навоий вилояти, Самарқанд вилояти
4	Ўрта чўл ва иқтисодий ҳудуд	Жиззах вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри
5	Жанубий ҳудуд	Қашқадарё вилояти, Сурхондарё вилояти

Bog‘cha ekologi maymunlarni doimiy nazorat qilish bilan ovora, hattoki ularga kundalik tutilgan bo‘lib, shimol sharoitiga qanday moslashayotganligi qayd qilib borilmoqda.

Ko‘ngil bitiklari

***

Шундай бир кун келади,
Бахтдан бойлаб чамбарак.
Ўшанда ташвишларим
Йўқолади бедарак.

Мен бунга ишонаман,
Ишонаман бахтимга.
Ахир сабр деганин
Опичладим кафтимда.

Сабр дегани олтин,
Олтиндан тож кўлимда.
Кийсам бахтим кулади,
Пешвоз чиқиб йўлимда.

ОРЗУ

Энг катта орзуим бир куни келиб,
Малика бўлишдир шоҳим ёнида.
Бегим дея сийлаб парвона бўлиб,
Умрбод қолишдир ҳаёт боғида.

Садоқат камарин белимга боғлаб,
Вафодор бўламан шудир ниятим.
Севимли ёр бўлиб қолай бир умр,
Ўрганиб саройин урфу одатин.

Одил хукм берса қўшқанот бўлиб,
Парвозга шайланай оққуш мисоли.
Бахт бўлиб қўнайин унинг қасрига,
Бўлайин бир умр жуфти ҳалоли.

Хуршида БИЙТАНОВА,
Жиззах санъат коллежи ўқувчиси

Mulohaza

СОХТАЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ўқишга кетаётгандим. Трамвай секин келарди. Бекатга келиб тўхтади ва бир аёл «Илойим болангдан тешиб чиқсин» дея тушиб кетди. Шу пайт чиптачи қўлидаги юз сўмликни ташқарига улоқтириб юборди. Бу ҳолдан ҳамма трамвайга чиқаётганлар ҳайрон эди. Жойларга ўтирар эканмиз, чиптачи аёл «Бўлди, қани ҳамма қўлига ойлик йўл чиптасини олиб турсин! Бирма-бир текширмасам, виждонсизлари ҳам кўпайиб кетмоқда», — деб бақир-чақир билан чипта сотишни бошлади. Навбат ёнимдаги бир қизга келувди, чиптачи яна баланд овозда гапирди: «Уялмайсизми, яхши қиз, сохта гувоҳнома билан юришга? Ахир, аллақачон муддати ўтиб кетган-ку? Яна уялмай қўлимга бера-сиз-а? Тўлаб қўйинг йўлкирани?» Бечора қиз уялганидан қизариб кетди. Аёлнинг жаврай-жаврай ҳамма гувоҳномаларга қараётганини кўриб, тўғриси, унга ачиниб кетдим, ахир бугунги кунда сохта гувоҳномалар билан юрганлар қанча?

Дугоналаримдан бири гарчи олий ўқув юртида ўқиса ҳам ўқувчи йўл чиптаси билан юради. Бундан кўринадики, унинг гувоҳномаси ҳам сохта.

Кўпчилик тенгдошларимиз уялмай-нетмай сохта ҳужжатлар билан юрибдилар. Яна бир-бирларига чиптачиларни қандай қилиб «алдаб» кетганларини айтиб, уларнинг устидан кулиб ўтиришади.

Ўзимизча битта бизнинг қилган ноқонуний ишимиз ҳеч қандай зарар келтирмайди деб ўйлаймиз, аммо бизга ўхшаганлар қанчани ташкил қилади. Ҳаммамиз ҳам йўл чипталаринининг нархларини биламиз. Балки талаба олаётган стипендия билан ойлик йўл чиптаси нархида тафовут йўқдир, аммо инсофдиёнат деган нарса ҳам бор-ку?!

Трамвай, троллейбус, автобус ёхуд метродан фойдаланар эканмиз, кўпчилик йўл чиптаси билан иш юритади. Чиптачилардан эса, кунига белгиланган сумма сўралади. Агар у режани бажармаса...

Нафақат талабаларимиз, балки кўпчилик катта ёшдаги инсонлар ҳам айнан шундай йўлни тутмоқдалар. Бирор касалхонадан сохта ногиронлик ҳужжатини расмийлаштириб олиб, бемалол юрибдилар. Бунга нима дейиш мумкин?! Демак, чиптачиларнинг эътирозлари ҳам ўринли экан-да?!

Тоҳира НУРИДДИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Xullas...

ҒИЛДИРАКЛИ ТУФЛИ

Ҳар бир одамга оёқ кийими керак. Турли фасон ва ўлчовдаги туфли, этик, кроссовка жуда кўп мамлакатларда ишлаб чиқарилади. Аммо шуниси борки, маҳсулотнинг ҳаммаси ҳам харидоргир бўлавермайди. Масалан, кейинги вақтларда Филиппинда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозори касодга учради. Аксинча, Хитой бизнесменлари ишлаб чиқараётган оёқ кийимларининг бозори чаққон бўлиб қолди.

1.5 минг долларга ишлаб чиқарилган буюртма туфли Пекин кўчаларига реклама учун чиқарилганида, кўрган киши борки, оғзи очилиб қолди. Чунки аёлларга мўлжалланган бу оёқ кийимига ғилдираклар шу даражада мос қилиб ўрнатилган эдики, у ҳам туфлига, ҳам автомашинага ўхшар эди. Олд томонидаги икки ғилдирак, рул ва ҳайдовчи ўтирадиган мослама, ўртасига ўрнатилган учинчи ғилдирак, қисқаси, жуда ҳам аломат маҳсулот.

Хитойлик тадбиркорлар, «транспортнинг оддий тури» агар бу мамлакатда ўз харидорини топа олмаса, четга экспорт қилишларини айтишмоқда.

«ЦЕЗАР» ВА «КЛЕОПАТРА» БОҒЧАДА

Ханти-Мансийск автоном округи ҳудудидаги Белояр шаҳарчаси болалар боғчаларидан бирида ташкил қилинган жонли бурчакнинг доимий яшовчилари бор. Бу — Яван макакаларидир. Шуниси қизиқки, бурчакни ташкил қилган боғча опалар маймунларга «Цезар» ва «Клеопатра» деб ном қўйишди. Сочи ҳайвонот боғидан шимолга келтирилган жониворлар учун улкан қафас, сакраб ўйнашлари учун бир-иккита мослама, ётиб ухлашлари учун каравот ҳам ҳозирланган.

Боғча экологи маймунларни доимий назорат қилиш билан овора, ҳаттоки уларга кундалик тутилган бўлиб, шимол шароитига қандай мослашаётганлиги қайд қилиб борилмоқда.

Маймунларнинг боғчага келтирилишидан икки мақсад кўзланган: бири болаларда табиатнинг тирик оламига нисбатан меҳр-шафқат уйғотиш, бири мактаб ўқувчиларини ҳайвонот боғига экскурсияга олиб боришдан халос этиш эди.

ana shunaqa gaplar

"IQLIM" KROSSVORDI

БЎЙИГА: 1. Бўлиб ўтган ҳодиса, рўй берган иш. 3. Болгариядаги порт шаҳар. 4. Ёрга эришув, ёр билан учрашув. 6. Машҳур славян башоратчиларидан бири. 7. Маълум шакл ва ўлчамдаги қоғоз ёки бошқа юпқа нарса. 10. Армияда кўп йил хизмат қилган, урушларда қатнашган ҳарбий хизматчи. 11. Дунёдаги майдони бўйича энг кичик давлат. 12. Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ. 16. Бирор ишдан бош тортиш, ўзини олиб қочиш учун ёки ўз хатти-ҳаракатини асослаш, оқлаш мақсадида рўкач қилинган далил, баҳона. 17. Туркиядаги шўр кўл. 18. Улғайиб, балоғатга етган. 19. Юқумли касалликлар инфекцияси. 23. Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган шахс. 24. Илоҳий хабар. 28. Ашула қилиб айтиш учун мўлжалланган асар. 29. Бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ ёхуд жамиятга мансуб киши. 32. Расмий равишда бирор давлатда, бирор шахс хузурида қисқа суратда бўлиш; ташриф.

ЭНИГА: 2. Қаттиқ оғриқ, алам туйғусини ифодаловчи сўз. 5. Нефтдан олинадиган ва медицинада, техникада ишлатиладиган қуюқ мой. 8. Чўмилиш учун мўлжалланган махсус узун тос. 9. Фарғона водийсидаги олтин кони. 13. Марказий Европадаги халқ. 14. Турли машина ва механизмларда ўз ўқи атрофида айланадиган ва ўзига ўрнатилган деталга айланма ҳаракат ва куч узатадиган деталь. 15. Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси. 20. Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар орасидаги кенг текислик. 21. Қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган модда. 22. Чиройли, барно. 25. Кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси. 26. Россиядаги машҳур автозавод. 27. Эрта тонг. 30. Мағрурона ва улуғвор кўриниш, салобат. 31. Аллоҳга етишган, авлиё. 33. Тиббиётда ишлатиладиган суртма. 34. "Мўъжизалар майдони" (ОРТ) кўрсатувини тайёрлайдиган машҳур телекомпания.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226. Тиражи 17975. 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи: Бахтиёр ЁҚУБОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.